



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 21-sentabr №40 (4490)

ДИЛЛАР ДОҒИСТОНДА ДИЙДОРЛАШДИ



Булбуллар ичра тинмас забонман,
Ҳамон ёнингдаман, танангда жонман.
Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса,
Билгилки, аларнинг сардори менман.

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

Доғистоннинг улуг шоири Расул Ҳамзатовнинг мазкур шеъри ҳақида кўп ўйлаганмиз. Бу ёрга нисбатан айtilган дил изҳорими ёки... Негадир ҳар гал қалб бир сўзни такрорларди. Ватан! Бу улуг шеърийат ҳар бир юракнинг ўз гулзори, ўз булбули бўлиши кераклигини таскидларди. Зеро, шоир айтгандай ҳар булбулнинг ўз кўшиги бор. У дунёнинг турли қитъалари, мамлакатлари, ўлкаларида сайраши мумкин. У қарда, қайси вақтда бўлмасин, аввало, бир муқаддас тушунча ҳақида қуйлайди:

Булбул кўшигини тинглаясанми,
Унда янграётган тантана тинмас.
Нима ҳақда қуйлар англаясанми,
Аммо номаълумдир, ҳеч кимса билмас.

Иймоним комилдур, ишонч-ла айтгум,
Ватан ҳақидадур бу кўшиқ — бонгар.
Агар ўзга мавзу бўлганда шаксиз,
Жонига тегарди аллақачонлар.

"Доғистоннинг улуг шоири". Расул Ҳамзатов ҳамisha унга нисбат бериб айtilган бундай таърифга қарши бўлган экан. Унинг қарашича, "улуг" нисбати, фақат бу дунёдан ўтган, ўз ижоди билан даврлар синовларига бардош бериб, халқ қалбидан жой олган шоирларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Адабиёт, шеърийат, шоирлар йўли азал-азалдан ҳамisha дунёнинг улкан чорраҳаларида кесилган. Шарқда Бағдод, Самарқанд, Ғарбда Афина ва Рим... Аммо шоир даҳоси кичик бир ўлка ҳудудини дунёнинг энг таниқли адiblари йўли кесиладиган нуқтага айлантиришга қодир экан. Айнан Расул Ҳамзатов ижоди ва шахси сабаб Доғистон ана шундай адабий марказлардан бирига айланди.

Тўғриси, Россия Федерациясининг Доғистон Республикаси Маданият вазири Зарина Бўтаева ва Доғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Магомед Аҳмедов томонидан юборилган таклифномага асосан, Расул Ҳамзатов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган XXII Халқаро "Оқ турналар куни" фестивалида иштирок этиш учун уюшмамиз томонидан номзодимиз кўрсатилганини эшитиб, ўзимизда йўқ хурсанд бўлдик.

Доғистонда бўлиб ўтадиган тадбирлар мундарижаси бизни янада қувонтирди. Маҳачқала шаҳридаги Тарки-Таудаги шоир қабрини зиёрат қилиш, пойтахт марказидаги Расул Ҳамзатов ҳайкали пойига гуллар қўйиш, у яшаган хонадонга ташриф буюриш, шоирнинг оила аъзолари билан учрашиш, Доғистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этиладиган давра суҳбатда иштирок этиш, шоирнинг 95 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда қатнашиш, Расул Ҳамзатов туғилган Хунзах тумани Цада овулига бориш, у туғилиб ўсган хонадон — ҳозирда унинг отаси Доғистон халқ шоири, Ҳамзат Цадаса уй-музейига ташриф буюриш...



РАҚС СЕҲРИ

Наво қадимдан инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Мусикий оҳанг руҳиятимизга ижобий таъсир қилиб, уни тинчлантириш хусусиятига эга. Яна шундай қуйлар борки, эшитганда беихтиёр рақсга тушиб кетасан, киши. Одамзоднинг ижод маҳсули бўлган мусикадаги ўзига хос сеҳр ва унга ҳамроҳ рақснинг уйғунлиги кўнгил торларини чертиб, жўшқинлик бахш этади. Халқаро "Олтин мерос" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари, фидойи ўлкашунос Комилжон Нуржонов суҳбатларнинг бирида Хоразм рақслари ҳақида шундай деган эди:

— Жаҳондаги илк ноёб китоблардан бири "Авесто"да ҳам рақс санъати хусусида манбалар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ғавҳар Матёкубова ана шундан фойдаланган ҳолда "Анахита" рақсини яратди. Ушбу рақс дурдонасини унинг шоғирдлари дунё сахналарида маҳорат билан ижро этиб, олқишларга сазовор бўлмоқда. "Авесто" музейидаги экспонатлар қаторида санъатга бағишланган кўргазмалар ҳам мавжуд. Айниқса, "Лазги" ҳақидаги кўргазманиз олдида томошабинлар хийла туриб қолади. Ташриф буюраётган хориқлик меҳмонларнинг ҳам рақс санъатимизга қизиқиши катта.

Қадриятларимиз

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан ҳамкорликда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллиги ва "Ғафл таъбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" муносабати билан янги, замонавий драматик ва мусиқали драма асарлари танловини эълон қилади

Танловга тақдим қилинадиган драматик ва мусиқали драма асарларида давр руҳи, бугунги кун муаммолари ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этиши шарт. Шунингдек, олимлар, ҳарбийлар, ички ишлар, тиббиёт ходимлари, санъаткорлар, ўқитувчилар, деҳқонлар, иқтисодчилар, банк ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар, ҳайдовчилар, қурувчилар, чўпонлар, ёш ихтирочилар, давримизнинг илғор аёллари ҳаёти акс этган, миллатлараро бағрикенглик, тотувлик, инсонпарварлик гояларини ўзида жо этиб, ёшларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишида ўрнатқ бўладиган, улар онгига ватанпарварлик, миллий ва умумбаشارий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтирадиган, ҳаётини воқеалар акс этган асарлар бўлиши лозим.

Тақдим этиладиган асар ўзбек тилида, 3 нусхада (электрон варианты билан), компьютерда А4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиб, ҳажми 30-40 саҳифадан ошмаслиги зарур.

Танловда ёшидан қатъи назар, барча ижодкорлар драматургиянинг драма ва мусиқали драма йўналишидаги асарлари билан иштирок этиши мумкин.

Асар белгиланган тартибда юборилмаса, муносабатлар кўриб чиқилмайди. Тақдим қилинган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов ғолиблари 2 та йўналиш (замонавий драматик асар ва замонавий мусиқали драма) бўйича мукофотланади:

1-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда;

1-ўрин (замонавий мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда;

2-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорда;

2-ўрин (замонавий мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорда;

3-ўрин (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда;

3-ўрин (замонавий мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда;

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй. Репертуар-тахририят шўъбасига, тел: 256-85-28

ма йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда;

Рағбатлантирувчи мукофот (замонавий драматик асар йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда;

Рағбатлантирувчи мукофот (замонавий мусиқали драма йўналиши бўйича жами 1та) энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Ижодий ишлар 2018 йилнинг 15 ноябрга қадар қабул қилинади ва ғолиблар жорий йилнинг 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида эълон қилинади.

Асарлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик репертуар-тахририят шўъбасига юборилади.

Ё УНИСИ, Ё БУНИСИ...

Ёхуд қонунларини қалон тушунамиз?

Таниқли тарихчи олим ва депутат Азамат Зиё "TURON 24" сайтида (23.07.2018) эълон қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун мажбурий эканини қачон тушунамиз?» сарлавҳали чиқишида: "Ҳақиқатан ҳам топшириқ кутиб яшаш, айниқса, бугунги кунда бизга ярашмайди, — деб фикр юритади куюнчақлик билан. — Ярашмайдигани эмас, ҳалоқатлидир. Жумладан, тил масаласида ҳам. Қолаверса, топшириқлар бор. Биринчиси, «Давлат тили ҳақида»ги қонун. Ҳеч қачон ҳуқуқий давлатда яшамаганимиз учун қонун топшириқ, мажбурият эканлигини кўпчилигимиз тушунамаймиз. Бизга албатта қонун ижроси (?) бўйича ҚАРОР керак. Ҳолбуки, буни-

сининг бажарилишини ҳамма пайт ҳам қўйиллатиб қўйлаётимиз. Иккинчидан, миллий етакчимиз тараққиётимизнинг янги сифат босқичи мафқурасини белгилаб берар эканлар, ҳар бир давлат хизматчиси ўз аравасини ўзи тортиши лозим, деганларининг ўзи топшириқ эмасми? Тушунган одам учун бу бутун жамиятимиз ва ҳар биримиз учун топшириқдир! Учинчидан, чет юртлардаги элчиларимиз билан учрашувда она тили ва адабиётини чуккур эгаллаш борасида айтганлари, электрон воситалар ҳуқуқронлиги кучайиб бораётган паллада китобхонлик маданиятини тарбиялаш сийсати топшириқ эмасми? Яна нима керак бизга?"

Ҳа, ҳурматли депутатимиз жуда тўғри айтаяптилар: бизга яна нима керак?! Яқинда Ёзувчилар уюшмасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар иштиро-

Яна давлат тили ҳақида

кида ўтказилган янги китоблар тақдимида ҳам шу мавзуда гап очилди. Депутат Акмал Саидов "Мен юрист сифатида бу қонуннинг дастлабки нусхаси тайёрланишида иштирок этганман", деди.

Шу муносабат билан ижодкорлар орасида қонуннинг айрим моддалари муҳаммад эмасмикин, деган му-


лоҳаза пайдо бўлди. Бундай мулоҳаза туғилишига пойтахт ва мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида турли ташкилотларнинг пешлавлари, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат тармоқлари номлари, турфа эълонлар асосан ажнабий тилларда битилгани, бу ҳақда матбуот саҳифалари ва телевидение каналларида кўп маротаба танқидий чиқишлар қилинганига қарамай «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинишидан буён ўтган салкам ўттиз йил мобайнида ҳеч нарсаси ўзгармасдан келаётгани сабаб бўлди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: ё Қонуннинг айнан эълонлар ва пешлавларга доир бўлган моддаси мукамал эмас, ёки шаҳар ҳокимликларининг кўчалардаги пешлавларга рухсат берадиган бўлими ходимлари Қонуннинг айнан ўша моддасини назар-писанд қилишмайди. Ё униси, ё буниси...

Биродарлик ришталари

“ҲИРОТ ТУШЛАРИМГА КИРАДИ АЗАЛ...”



АДАБИЁТ МУЗЕЙИ: КЕЧА ВА БУГУН



Вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Хотиралар юлдузлардек олис йилларнинг кичик бир жилваси, холос. Буни яхши биламан. Лекин компьютер экранидидаги тарихий фотога назар соларканман, кўз ўнгимда ўтмиш воқеалари жонлангандек бўлди... Пойтахтимизда Алишер Навоий таваллудининг беш юз йиғирма беш йиллиги кенг нишонланмоқда. Қўтлуғ сана муносабати билан янги очилган Адабиёт музейининг атрофи одамлар билан гавжум. Бу манзара марказида эса улуг шоирнинг ҳайкали қад ростлаб турибди. Унинг рўпарасида жаҳонга машҳур адибларнинг бюстлари саф тортган. Ҳазрат Навоий уларнинг устози ва сардори... Қизиқ, ўтмишга назар солиб, баъзида афсус чекамиз, баъзида эса ҳайратга тушамиз. Мустабид тузум мафқураси халқимиз тарихи, буюк аждодларимиз меросига бармоқ остидан қараган бир даврда бундай ҳайкалтарошлик композицияси яратилгани ҳақиқий жасоратга ўхшайди. Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг шмий котиби, филология фанлари номзоди **Отабек ЖУРАБОВ** билан суҳбатимиз мазкур тарихий манзарага доир мулоҳазалардан бошланди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шошмагин, эй, карвон, тўхтагин бир он,
Сўзлаин эзулук, шафат отидан.
То барпо бўлди — кўҳна бу жаҳон,
Карвонлар оҳ чекар ёлар зотидан...

Шошмагин, эй, карвон, тўхтагин бир он,
Умиди бу жаҳон гамга бўлмас гарқ.
Изиндан термулб қолмай то нолон,
Қумликлар бағрида гойиб бўлма, Шарқ!

Ушбу мисралар 1987 йили машҳур афгон ҳофиз Аҳмад Зоир хотирасига бағишлаб ёзилган эди. Термиз шаҳри жанубидаги афғонистонлик ёшлар таҳсил олаётган олий илм даргоҳига қадам қўяётиб, беҳтиёр, улуг шоирнинг шу сатрларини эсладик.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари ташаббуси билан ташкил топган таълим марказида бўлганда қалбингизни улуғвор бир руҳ чулғайди. Профессору ўқитувчиларнинг юксак савияси, жонқуралигини кўриб завқланасиз. Ахир, бу олий мактаб юртимизнинг ўзига хос кўзгуси, Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини намоён этадиган даргоҳ.

Кўп қаватли бино фойсидидаги шиору лавҳалар, марказ фаолиятига оид энг муҳим маълумотлар ярқ этиб кўзга ташланади. Бой кутубхона, анжуманлар зали, таълим соҳаларига оид замонавий техника воситалари билан жиҳозланган аудиториялар марказнинг юксак маърифатга асосланган ҳолда фаолият бошлаганидан далолат беради. Таълим марказининг ўзига хос макёби ва салобатини шундан ҳам билиш мумкин. Айни чоғда, бу даргоҳда буюк давлатимизнинг дўсту қардошларга бўлган самимий меҳрини ҳам кўргандай бўласиз. Ўрксевар, бунёдкор, олижаноб халқимиз қалби, эзгу ниятларимиз рўй-рост намоён эканлигидан қувонасиз. Тақдир тақозоси билан дарё ортида яшаётган қавмларимиз ва турфа миллатга мансуб дўст мамлакат фуқароларининг илм олиб, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга қамарбаста бўлаётганимиздан ифтихор қиласиз.

Ушбу олий таълим марказини ташкил этишга доир амалий қадамлар 2017 йилнинг 10 сентябрида бошланган. Шу кун Иқтисод ва Ишлар вазирлиги Шавкат Мирзиёев ҳамда Афғонистон Президентини Муҳаммад Ашраф Ғани жанобларининг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Остона шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида афғон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган таълим марказини ташкил этишга келишиб олинган эди. Орадан икки ой ўтиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинган.

— Шу кундан эътиборан қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди, — дейди таълим маркази ректори Ойбек Рўзиев. — Термиз туманидаги касб-ҳунар коллежи биноси таълим марказининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тулик таъмирланиб фойдаланишга топширилди. 2018 йилнинг 21 январидан эса, Афғонистоннинг "Kam Air" компанияси самолётида Кобулдан учиб келган тўқсон олти нафар қўшни давлат фуқаросини Термиз аэро-

портида қизғин кутиб олди. Эртасига таълим марказимизнинг тантанали очилиш маросими бўлди...

Бу ҳаяжонли лаҳзалар муҳрланган рангли суратлару ноёб тасвирларни кўздан кечириш янада ҳаяжонли ва завқли эди. Биз ўзимизни айни ўша тарихий лаҳзалар иштирокчиси каби ҳис эта бошладик.

— Таълим маркази фаолияти ўзбек тилида олиб борилади, — деб сўзида давом этди Ойбек Рўзиев. — Дарслар мамлакатимиз таълим тизимида қабул қилинган меъёрлар, Олий ва

лида таълим маркази ёшлари ўзларининг куй ва рақслари билан "Энг яхши фольклор қўшиғи ижрочилари" номинациясининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланиши. Вилоят миқёсида ўтган "Ёшлар — келажак бунёдкори", "Юксак маънавиятли авлод", "Онлайн журналист" ва "Дўппи" фестивалларида марказ талабаларидан 21 нафари фахрли ўринларни эгалладилар.

Талабаларнинг ижод маҳсули бўлган турли шарқона либосу дўппилар, тўнлар, ҳунармандлик буюмлари, атоқли шоирларнинг со-

фаллар бўйича ўқув қўлланмалари, бадий адабиётлар билан таъминлангани, Ўзбекистонда яратилган бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудиотўпламларнинг дисклари мавжудлиги, электрон кутубхона тизимида лотин алифбосидаги етти юздан зиёд электрон адабиёт жойлаштирилгани, янги ўқув дарсликларига Афғонистон ўзбекларининг ибратли мақолларидан фойдаланилаётгани айни мўддао бўлган. Абдусалим Мозори Шарифда ўн икки йил ўқиган, қишлоқ ҳўжалиги коллежини ҳам битирган. Уч-тўрт тил-

миз давлат университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази профессор-ўқитувчилари, мамлакат олий таълим муассасаларининг Термиз филиаллари раҳбарлари иштирокидаги семинарда таълим тизимида юз бераётган бугунги янгиланиш жараёни юртимиз ва қўшни давлатлар учун малакали мутахассислар тайёрлашда юксак самара бераётгани таъкидланди.

Талабалар турар жойи, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва спорт майдончалари, ўзбек тили ва адабиёти, кимё, физика фанларини, темир йўл транспорти тизимини пухта ўрганиш учун ташкил этилган лингафон хоналари, лабораториялар, маиший хизмат тармоқлари фаолияти муносиб баҳоланади. Шу кунларда уч юз ўринли ошхона, новвойхона, ҳаммом қурилиши олиб борилямоқда. Семинарда талабаларга сифатли таълим бериш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, таълим жараёнига жалб этилаётган профессор-ўқитувчилар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар, аудиторияларда яратилаётган шароитлар ва таълим самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида тахсил олаётган талабалар орасида ҳиротлик ёшлар ҳам бор экан. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов 2010 йили Ўзбекистонлик темир йўлчилар томонидан барпо этилаётган "Хайратон — Мозори Шариф" магистрalli қурилишидан илҳомланиб, "Хирот" номи шёър битган эди:

Хирот тушларини киради азал,
Ўнгимда қазалдай порлаб турарди.
Ҳазрат Навоийнинг сиймоси ҳар гал,
Келгин, набирман, деб чорлаб турарди.

Ўртада дарё бор — жўшқин ва асов,
Узала тушганда потиқ сарҳадлар.
Замонлар орага солди турфа гов,
У ёнда интизор не-не марқадлар.

Пайт келиб мушкуллар кеттиси абас,
Эзгу муждалардан огоҳ бўлингиз.
Бобомнинг қошига чорласа ҳавас,
Энди мен поездда боргум, билдингиз.

Дарвоқе, ҳазрат Навоий бобомиз абадий қўним топган Хирот "тушларига кирмайдиган" ўзбек кам топилса керак. Шоир башорат қилганидек, эндиликда "мушкуллар абас бўлиб, эзгу муждалар" қанот қоқмоқда. Мамлакатимиз темир йўл қурувчилари барпо этган "Хайратон — Мозори Шариф" йўли Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилаётди. Айни кунларда давлатларимиз раҳбарлари ташаббуси билан "Мозори Шариф — Хирот" темир йўлини лойиқлаштириш ва қуришга қизғин тараддууд қўрилямоқда.

Шубҳа йўқки, ўз истиқлолининг 27 йиллигини нишонлаган халқимизнинг буюк меҳри ва давлатимиз куч-қудратини ҳис этган ҳолда таълим олаётган афғонистонлик ёшлар ана шу улуг йўлда шамолдай еладиган учқур тулпорларнинг жиловбардорлари бўладилар.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
муҳбири

“ҲИРОТ ТУШЛАРИМГА КИРАДИ АЗАЛ...”

ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ташкил этилган. Ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича сабоқ олаётган талабаларимиз икки йиллик махсус дастур асосида ўқиб, бакалавр дипломига эга бўладилар.

Бундан ташқари, ушбу марказга бино йил май ойи бошларида илм олгани келган яна 35 нафар афғонистонлик йигитлар эса темир йўл соҳаси бўйича касб-ҳунар эгаллайдилар. Улар қўшни давлатнинг пуштун, араб, туркман ва тожик миллатига мансуб фуқаролари бўлиб, дастлабки уч ой мобайнида ўзбек тили қўнимасига эга бўлдилар. Энди темир йўлга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш бўйича зарур мутахассисликлар — станция навбатчиси, вагон ва локомотив ускуналарини таъмирловчи, электр таъминоти, йўл усти ва блокировка қурилмалари соловчиси сингари касбларга ўқитилади. Айни чоғда, қўшни Афғонистон тараққиётига доир эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда 17 та олий таълим йўналиши ва 16 та махсус касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича модуллаштирилган ўқув режаси ишлаб чиқилиб, вазирлик ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланган.

Муаллимларнинг гувоҳлик беришича, афғонистонлик талабалар илмга чанқоқ ва ўта иқтидорли, касб сирларини тез эгаллаш, шёъронлик, турли санъат соҳалари бўйича истеъдодини намоён этишга иштиёқманд ёшлар экан. Саккизта фан тўғрагидан ташқари, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун нотиклик, журналистика ва ёш дастурчи тўғрақлари, шунингдек, тасвирий ва халқ амалий санъати бўйича олтига, спорт турлари бўйича еттига тўғрақ фаолият олиб боради. Уларнинг қатнашчилари туман, вилоят ва республика миқёсидаги маънавий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирларда, атоқли шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд саналарига бағишланган ижодий кечалар, Наврўз байрами, "Бойсун баҳори" каби фестивалларда иқтидорини намоён этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Навоий вилоятининг Нурота шаҳрида ўтказилган "Нурли наволар" халқаро фольклор фестива-

ла Ноибзода ва Асадулла Бошош шёър ёзади. Улар ижодкор ўқитувчи бўлиш ниятида. Балхдан келиб ўқийтган Саид Жалолиддин "Онлайн журналист" дипломинини олибди. Шуниси эътиборлики, таълим марказининг етимидан ортиқ талабалари оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этишмоқда. Сурхондарё вилояти миқёсида ўтказилган "Дўппи" фестивалида марказ талабалари биринчи ўринни эгаллабди. Ўзбекистон халқ бахшиши Шоберди бахши билан ижодий учрашув, Термиз давлат университети талабалари билан футбол беллашуви, Сангардак шаршарасига саёҳат, исломий обидалар зиёрати каби тадбирлар ҳам талабаларнинг фаоллигини кучайтиришда қўл келмоқда.

Мозори-шарифлик Абдусалим Форукйи билан таълим маркази кутубхонасида танишиб, она тилимизда эркин суҳбат қурдик: Гўрунгимиз мароқли бўлди. Абдусалимбекнинг айтишича, шу йил январь ойида Ўзбекистонда тахсил олгани келган тўқсон олти нафар ёшнинг ўн бир нафари қўзлар, қолганлари йигитлар экан. Улар ўз ҳудудидаги мактаб ва лицейларда тахсил олган ёшлар орасидан махсус танловда энг кўп балл тўплаб, Ўзбекистонда таълим олишга муваффақ бўлган орзулари бил олам ёшлар.

Марказ ахборот-ресурс маркази техникавий ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги

таржимонлик қилдик. Тошкентни кўриб завқландик. Термизда бўлиб ўтган бизнес-форум, шунингдек, "Бойсун баҳори" фестивалида ҳам иштирок этдик... Умуман, бизнинг яхши сабоқ олишимиз, спорт билан шуғуланишимиз, саёҳатлар ва зиёратларга боришимиз учун барча шароитлар яратилган. Фақат китобдан бош кўтармай ўқишимиз керак.

— Укам бу йил мактабнинг биринчи синфида борди, — дейди сўзида давом этиб Абдусалим, — Мактабда ўзбек тили фан сифатида ўқитилади, лекин мутахассислар етишмайди... Ҳозир энг муҳими — Афғонистонга тинчлик керак. Биз юртимизга янги ғоялар билан борамиз. Шу сабабли у ёқдаги ёшлар орасида бизга қизиқш қатта. Яхши мутахассис бўлиб борсам, шунинг ўзи тенгдошларимиз учун ҳақиқий тарғибот бўлади. Албатта, биздан ибрат олишда ва биз шунга муносиб бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда Балх вилояти ҳокими бошчилигида таълим маркази фаолияти билан яқиндан танишган Афғонистон делегацияси аъзолари бизларнинг бу ердаги ўқиш ва интилишларимиздан мамнун бўлиб қайтишди.

Янги ўқув йили арафасида таълим марказида минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тер-



"Ўзбекистон Республикасида аудитория фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари, шунингдек, "Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентини фармони эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони генерал Женсон Бойлз ва АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлини қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь кун АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэкини қабул қилди. Учрашувда томонларнинг Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида кўп қиррали, жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлиги таъкидланди.

Тожикистонда Ўзбекистон киноси қўнлари бўлиб ўтди. 15-17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳридаги "Қўҳи Наврўз" анжуманлар мажмуаси, шунингдек, бир қатор кинотеатрларда ўзбек кинематографларининг "Барон", "Сабот", "Меросхўр", "Ойқиз эртаги" каби кинофильмлари намоиш этилди.

Қозоғистон пойтахти Остана шаҳрида The Spirit of Dance деб номланган биринчи халқаро замонавий этник мусика ва рақс фестивали бўлиб ўтди. Унда 14 мамлакат, шу жумладан, ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам ўз миллий рақс ва қўнлари билан иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Майсаранинг иши" операсининг янги мавсумдаги илк премьераси бўлди. Ўзбекистон давлат сатира театри 32-мавсумини Ўзгир Хожиевнинг "Аршин мол олан" комедияси билан бошлади. "Дийдор" театр студияси ҳамкорлигида тайёрланган спектакли Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган. Шунингдек, Ўзбек миллий академик драма театри, Муқимий номидаги мусиқали театр, Ўзбек давлат драма театри ва пойтахтимиздаги Қўғирчоқ театрлари жамоалари ҳам янги мавсумларини бошладилар.

Ё УНИСИ, Ё БУНИСИ...

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хусусан, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасида шундай деб ёзилган: "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржима-си берилиши мумкин".

Ҳўш, Қонуннинг ўзида ҳамма нарсаси аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилган бўлса, нега амалда бунинг тескариси юз бермоқда? Масалага ойдинлик қилишти сўралганда сенаторларимиздан бири «Давлат тили ҳақида»ги қонунда ҳамма нарсаси очик-ойдин ёзилган бўлса-да, "Реклама тўғрисида"ги қонунда "... давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади", деб ёзиб қўйилганини қайд этди.

Хатто "Миллий тикланиш" партиясининг икки йил аввалги сайловолди чиқишларида ҳам бу борада катта-катта ваъдалар берилгани ҳали эсимиздан чиққан эмас: "Қўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган".

Ҳар ҳолда, бугун "Миллий тикланиш" партиясининг фаолларидан ҳам ваъданинг ижроси ҳақида сўраб қўйилса ёмон бўлмасди.

Энди Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрида қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг "Рекламанинг тили" деб номланган 5-моддаси матнига эътибор берайлик. Унда хусусан, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда тартидан бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин", деб кўрсатилган.

Шу ўринда савол келиб чиқади: 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 20-моддаси матни билан 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг "Рекламанинг тили" деб номланган 5-моддасидаги матнлар моҳиятан бир-бирини инкор этмаяптими?

Ёки ҳар икки қонунда айнан бир нарсаси эмас, бошқа-бошқа нарсалар кўзда тутиляптими? Шу ўринда ҳурматли депутати-миз Азамат Зиёдан сўрамоқчимиз: Сиз "Turon 24" сайтида (23.07.2018) эълон қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун мажбурий эканини қачон тушунамиз?» сарлавҳали чиқишини эълон қилишга шижоҳатларни ҳам назарда тутган ҳақида сўраб қўйилса ёмон бўлмасди.

гини ва бу тилимизнинг қадрини тушуришга сабаб бўлаётганини ҳам эътироф этасизми? Ҳар икки қонуннинг тегишли моддаларида айнан бир нарсаси кўзда тутилгани ҳолда бир-бирини инкор этаётган жиҳатларини қайта кўриб чиқишининг вақти ўтиб кетма-йптимикин?

Мазмун бир-биридан унчалик йироқ бўлмаган иккита қонуннинг айрим моддаларидаги бу каби номуносиблик бир-бирининг моҳиятини йўққа чиқариши мумкин экан-да. Бундан ким қандай хоҳласа, шундай ёзаверсин, деган маъно келиб чиқмайдими?

Яна бир гап. Негадир бюротмачиларнинг барчаси Ўзбекистоннинг нон-тузини еб, шу мамлакатда истиқомат қилаётганига қарамай эълонларини нуқул ажнабий тилларда бўлишини хоҳлаётганларини ҳам ва, айни чоғда, кўзларини чирт юмиб бунга тасдиқлаб юбораётган мутасаддиларини ҳам тушуниш қийин. Айниқса, "Дода сомса", "Ўзбегим сомсаси" каби ёзувларга жуда ишқибоз бўлган миллатдошларимиз "Royal", "Lagoste", "Izmir", "Me-galplanet", "Макро", "Шедевр" каби юзлаб, минглаб ажнабий атамалар уларнинг қўлоқларига жуда ёқимли эшитилаётганини кўриб таажжубга тушмаслик ҳам мумкин эмас.

Ҳўш, ҳурматли депутатлар ва давлат тили жонқуярлари, қонунни ва бир-биримизни қачон тушунамиз?

М.ЭШУРОДОВ



Уюшма фаолиятидан

Янги РОМАНЛАР ТАҚДИМОТИ

Беруний шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ёзувчи Қурбон Муҳаммадризо қаламга мансуб "Омонат тўхфа" ва "Синов саҳнаси" романларининг тақдими бўлиб ўтди. Буюк олим Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган бу тарихий асарларда юртимиз ўтмишининг энг мураккаб даврлари ёритилган. Улуғ олимнинг замондошлари Абу Наср ибн Ироқ, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Маъмун ибн Муҳаммад, Нух ибн Мансур, Али ибн Маъмун ва Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг сиймолари ҳам воқеалар замирида акс эттирилган.

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган "Зулфияхоним қизлари" клуби фаоллари учун маҳорат дарслари ташкил этилди. Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимова, Гавҳар Ибодуллоева, Ҳаётхон Ортиқбоева сингари устоз шоирлар ўтказган сабоқлар давомида Зулфияхоним қизларининг ижодий изланишлари ўрганилди ва уларга маслаҳатлар берилди.

Дастурга кўра, клуб аъзолари Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган тадбирларда ҳам иштирок этиб, Зулфияхонимнинг Адиблар хибёонидидаги ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ

Гулистон шаҳрида яшаб ўзбек ва озарбайжон тилларида ижод қилаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Али Насирли билан бўлган ижодий учрашув Сирдарё вилоят ички ишлар ходимларида катта таассурот қолдирди.

— Ўзбекистонга келганимга қирқ йил бўлди, — дейди шоир. — Ўзбек тилини яхши ўрганиб, унда ижод қилиш саодати насиб этгани эса, mening бaxтимдир.

Ижодий учрашувда шоир ўзининг янги шеърларида ўқиди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

ЭНГ МУҲИМИ – САВИЯ

1. Кимдир адабиётимиз юксалиш палласида деса, кимдир бунинг аксини тасдиқлайди. Сизнингча, қай бири ҳақ ва нега?
2. Ҳозирги адабий жараёндаги қайси муаммо сизни энг кўп ташвишга солади? Ушбу муаммони бартараф этишнинг қандай самарали йўлини кўрсата оласиз?
3. Кейинги пайтда замондош адибларимиздан кимларнинг китобларини ўқидингиз? Қайси асар сизга маъқул келди-ю, қайси асардан кўнглингиз тўлмади? Бунинг сабаблари нимада?

Мазкур анкета ёрдамида бугунги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида бир қур фикрлашиб олсак, фойдадан холи бўлмас. Ахир, айтадилар-ку, “Кенгашли тўй — тарқамас”, деб. Шундай эзгу ният ила анкетамиз саволларига навбатдаги жавобни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

1. Адабиёт учун ижодкорнинг ўзига ўзи махлиё бўлиши, битикларини “юксак адабиёт намунаси” дея талқин этиши ва бошқалардан ҳам шунга тама қилишидан ортиқроқ ганим бўлмаса керак. Эришган ютуқлари инкор этилишдан кўра ўзига ўзи махлиё бўлиш — адабиёт учун кўпроқ хатарли. Бу хил махлиёлик дидини, савияни фалажлаштиради. Шундай касалга чалинган дидини узоқ, жуда узоқ муолажа қилиш керак бўлади.

Адабиёт — хизматкор эмас, у сўздан ёзилган маёқ, сўз маёғи, илоҳий маёқ. Уни ўзингиз ўтирган хонани ёритиш учун шам қилиб ишлатиш ярамайди. Инкор этилишдан кўрмаса ҳам бўлади, чунки бу хил ёндашув — ўткинчи: бугун тан олишмаса, эртага тан олишадди. Инкор этилиш билан адабиёт камбағаллашиб ёки тўхтаб, сўниб қолмайди. Адабиёт тарихига назар солсангиз, ўз даврида ёппа инкор қилинган,

бирок кейин дунёвий эътироф қозongan ижодкорлар юзлаб топилди. Аммо ўзига махлиёлар орасидан шундай эътирофга сазовор бўлган ёки бадий дурдоналар қолдирганларни, тўғриси, билмайман. Менингча, адабиёт тарихи ҳам аслолмайди. Шундай экан, сўз санъатимизни ўзига ўзи махлиё бўлишдан, замондош адибларимиз кўйинини ҳам, замонавий бадий дид қўйинини ҳам пуч ёнғоққа тўлдиришдан асралмоғимиз керак.

Тан олишимиз лозим, бугун “юксак адабиёт намунаси” деб қабул қилинаётган кўплаб асарлар шунчаки техник ҳодиса, бадий ҳодиса эмас. Бадий ҳодиса ўз даври тафаккури, хиссиёту қарашларини тафтиш қилади, давр учун, дид учун, ижтимоий қарашлар учун янги бир меъёр, янги бир ҳикмат топиб беради, янги мажоз, янги самимият олиб киради. Шунинг учун ҳам сўз санъатини ўткинчи манфаатларга хизмат

қилдириб бўлмайди, агар хизмат қилдирилса, ёлгон ва сохталиги билиниб қолади. Адабиёт инсонга, унинг ҳурлигига, оламни ва ўзини англашига хизмат қилади. Мана шу ҳусусияти билан ҳам у бадий ҳодисадир.

Келинг, узоққа бормайлик, Чингиз Айтматов насрини ёки Абдулла Ориповнинг 70-йиллар шеърятини эслайлик. Бу асарлар чинакам бадий ҳодиса эди: улар нафақат бизнинг дидимиз, балки ҳаётга, жамиятга, инсонга муносабатларимизни ҳам тарбиялади. Бошқа томондан, янги адабиётни тушунмаслик оқибатида шунчаки ўзларига ўхшаб ёзмаётгани, изларидан эргашмаётгани учуноқ данак пўчоғига қўшиб мағизни ҳам ташлаб юбориш ҳалоллик эмас, бу хил фикрлаш тарзида холислик йўқ. Фақат холис ва самимий муносабат бўлсагина, адабиёт ўз ҳақиқатларини даврга ошкор этади.



Назар ЭШОНКУЛ

Тасаввур қилиб кўринг-а, улкан шаҳардаги гавжум чорражада қўқисқ светофор ишламай қолса, қандай аҳвол юзага келади? Жавоб тайин: бир-иккита “чандаст” ҳайдовчи, йўл топиш бизга чўтми, деб орага суқилади-да, машиналар тиқинини юзага келтиради, вассалом. Тўрт тарафда машина дегани турнақатор тизилади, бетоқат ҳайдовчилар асабий сигарета тутатади, тажанроқлари, ҳатто боболатиб сигнал чала бошлайди. Шунда қайқандир қизил таёқчасини ўйнатиб, жез ҳуштагини чурилатиб, милиционер пайдо бўлади-ю, жонларга ора киради — тиқинини бартараф этади.

Серкратнов йўлни адабий жараён, тигиз машиналарни бадий асарларга қиёсланг-ади, айтинг, бу ердаги чорражада ҳам тиқин юзага келса, қайси “милиционер” бартараф этади? Бу саволга жавоб битта: адабий танкид, албатта. Россия жамоатчилиги мунаққидларга “адабий миршаблар” деб лақаб қўйгани беҳиз эмас, ахир.

Нега мақолани бундай мўқосадан бошладик? Гап шундаки, бугунги адабий жараёнда худди шундай тиқин ҳукм сурмоқда, деб ҳисобловчилар талайгина. Агар аҳвол улар айтгандай бўлса, тиқинини бартараф этувчи “милиционер” қаерда ўзи? Баъзиларнинг фикрича, ундан хали-хануз дарақ йўқ, чорражада эса вазият — мураккаб. Бошқача қилиб айтилса, адабий танкид — йўқ ҳисоби.

Келинг, оддийроқ қилиб, адабиётшунослик адабиёт тарихининг, адабий танкидчилик адабий жараёнини тадқиқ этади, деб ҳисоблайлик. Бугун орамиздаги бирор кимса бизда адабиётшунослик йўқ, деб даъво қила оладими? Бу даъво наноийшунослик, бобуршунослик, қодирйшунослик, чўлпоншуносликка салмоқли тадқиқотлар яратётган етук олимлар номини тилга олиб, рад этиш қўйин эмас.

Хўш, адабий танкидда ҳам шундай етук олимлар номини тилга олишга қодиримизми? Тўғри, яқин ўтмишда Матёкуб Қўшонов, Озод Шарофидинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов айнан шундай шахслар бўлган эди. Афсуски, бугун уларнинг ўрнини эгаллашга қодир шундай тўрттагина олим номини келтиришга ожизимиз. Биз XX асрнинг “илиқлашув” давридан то мустақиллик замониғача бўлган адабий танкидчилик хусусиятларини ўша устозлар ижоди асосида белгилаймиз. Қани айтинг, ҳозирги адабий танкидчилик хусусиятларини аниқлашда кимларнинг ижодида таянайлик? Ҳамонки, бундай мунаққидлар номини тилга ололмас эканмиз, бугун адабий танкид йўқ ҳисоби, деган гапда жон борлигини тан олмай илож қанча!

Яна баъзиларнинг фикрича, бизда адабий танкид бор-у, лекин вазифасини дуруст адо этолмаяпти. Бу қарашни чорражадаги тиқинга мўқоса қилсак, қўйидаги манзарани кўрамиз: милиционер чорражага келган-у, аммо тиқин барҳам топмаётир. Хўш, вазифасини дуруст адо этолмаяпти, дегани нима ўзи? Юқорида адабий танкиднинг вазифаси — адабий жараёни тадқиқ этиш, дедик. Мазкур вазифани эса у, асосан, янги асарларни англаш ва баҳолаш орқали рўёбга чиқаради. Бундан аён бўладики, бугун адабий танкид янги асарларни англаш ва баҳолашда оқсашга йўл қўяётир.

Дарвоқе, асарни англаш нима-ю, баҳолаш нима? Дастлаб англаш нима, деган саволга тўхталсак. Англаш — билиш ҳодисаси, билиш эса ҳақиқатни излашдир. Бу жараён ҳақиқатни топиш-ла яқунласа, нур устига нур. Ҳатто шундай яқун топмаса ҳам, барибир, қадрли. Чунки ҳақиқат йўли ниҳоятда олис, унга озроқ қўқинлаш ҳам таҳсинга лойиқ!

Энди баҳолаш масаласига ўтсак. Баҳолаш деганда асарнинг бадий қимматини белгилаш тушунилади. Танкидчи муайян асарни баҳолашда, бир томондан, давр, бошқа томондан, шахсий эҳтиёжлари, қизиқишлари, диди, идеалларига таянади. Одатда, бадий асар қанча ҳаққоний анланса, баҳолаш ҳам шунча адолатли бўлади. Англашда бадий асарнинг фазилат ва қусурлари аниқланса, баҳолашда унинг замонавий адабиётда тутган ўрни белгиланади.

Демак, бугун адабий танкид янги асарларни англашда ҳақиқат, баҳолашда эса адолатни устувор этолмаётир. Бир замонлар адабий танкидчилик етук адиблар ижодидаги фазилатларни яшириб, қусурларни ошириб (баъзан ҳатто тўқиб чиқариб) ўз аъмолини суиистеъмол қилган эди. Бугун эса у ўша замонлар “тажриба”сини аксинча қўлаб, ўртамайна адиблар ижодидаги қусурларни яшириб, фазилатларни ошириб (баъзан ҳатто тўқиб чиқариб) ўз аъмолини суиистеъмол этаётир. Шахсан ўзим сўнгги йилларда матбуотда (интернетда эмас!) ширин мактов билан чекланмай, нордон танкидга ҳам жазм этган бир-икки чиқишни эслайман, холос. Шу ўринда Дилмурод Куроновнинг “Шеърда мантик керакми?” (“Шарқ юлдузи” журналы, 2016 йил 2-сон), Иброҳим Гафуровнинг “Тафаккур шакллари” (“УзАС”, 2017 йил 29 сентябрь) мақолаларини назарда тутаям. Дилмурод Куронов ялпи ва очик танкид усулини қўлласа, Иброҳим Гафуров жузъий ва ишоравий танкид йўлидан боради. Кимдир булар ёнига

яна фалон-фалон чиқишларни ҳам қўшиш керак, дея тақлиф қиритар. Бирок ўшанда ҳам, барибир, бундай мақолалар — кам, ниҳоятда кам...

Бугун адабий танкид адабий мактовга айланганига сабаб битта: бирор асар юзасидан танкидий мақола ёзилишида ўша асар муаллифи “ташаббускор” бўлаётир! Хўш, муаллиф “ташаббус”и асосида мақола қандай ёзилади? Шоир-ёзувчи янги китобини нашрга тайёрлар экан, бирор устоз ижодкор ёки таниқли олимдан ўзи ҳақида икки оғизгина гап қоралаб беришни олимоқ қилади. Одамнинг юзи — иссиқ, ахир, боёқчилар ҳолвайтардеккина “бир нима” ёзиб бериб қўтилади. Битик қисқа (бир-икки қорғоз) бўлса — сўз боши, чўзқ (уч-тўрт қорғоз) бўлса — сўнгги сўзга айланади. Шундан кейин қақшон шоир-ёзувчи ўша сўз боши ёки сўнгги сўзини китоб чиққунга қадар бирор газета-журналда чоп эттириб олиш пайига тўшади.

Китоб чоп этилган эса, энди муаллиф “ташаббус”и билан тақризлар дунёга келади. Одамнинг юзи — иссиқ, ахир, бу гал ҳам тақриз ўқимайсиз, яна “ҳолвайтар ялайсиз”. (Бир неча шоир-ёзувчи қўлбола гуруҳ — “fan” тузиб, бир-бирининг асарларига тақриз уюштириши ҳам бор гап.)

Одатда, чин истеъдоқлар бу тахлит сўз боши, сўнгги сўз ва тақризлар ёздиришдан ор қилади. Бозор салбий ҳол аксар ўртамайна шоир-ёзувчилар орасида кузатилади. Улар

шу йўл билан сохта шуҳрат орттириш, имтиёзларга эга бўлишни кўзлайди. Аммо бундайларнинг иззат-нафси, ҳузур-ҳаловати деб адабиёт зийн қўриши инсофданми? Демак, эндиги вазифа — муаллифлар “бюролма”сига эмас, мунаққидлар эътиқодига таянувчи янги адабий танкидчиликни яратмоқдир. Биз фақат адабиёт манфаатига хизмат қилувчи ҳалол, субутли танкидчиликка ниҳоятда муҳтожмиз.

Янги адабий танкидчиликни яратиш Матёкуб Қўшонов, Озод Шарофидинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов давридагидан хийла қийин кечиши аниқ. Сабаби — у даврларда газета-журналлар нашриётлари сони, уларда чоп этилаётган асару китоблар адади ҳозиргидан неча ҳисса кам эди. Қолаверса, ўша кезларда адабий танкидчи ҳануз метод — социологик ёндашувни эгалласа кифоя қиларди. Бу метод ортида ҳам ягона таълимот — марксизм-ленинизм турарди. Бугун эса газета-журналлар нашриётлар мунаққидни янги асарлар ва китоблар билан кўмиб юбориши ҳеч гап эмас. Адабий турлар бўйича ихтисослашув орқали бу муаммони ҳал этиб ҳам бўлар. Лекин адабий танкидчи энди социологик ёндашув билангина кун кўролмай қолгани-чи? Бугун ундан бир асар таҳлилида бир неча методдан барабар фойдаланиш малакаси талаб этилмоқда. Бу методлар ортида эса, ўқ-хў, неча неча таълимотлар турибди. Масалан, бадий асарни синергетик англаш ва баҳолаш учун замонавий фан ва фалсафадаги бу янги йўналишдан чуқур воқиф бўлиш лозим эмасми? Жиллакурса, шу йўналиш етакчиси Илья Пригожиннинг Изабелла Стенгерс билан ҳаммуаллифлида ёзган машҳур китобини “Порядок из хаоса”. Москва, “Прогресс”, 1986) хатм қилиш зарур, ахир.

Наҳот бугун шундай юксак билим, салоҳият ва малакага эга мунаққидлар орамизда топилмаса? Улар бор, ҳатто анчагина. Лекин, таассуфки, уларда жасорат танқислик қилаётир. Биз жасорат деганда фақат адабиёт манфаатини қўзлаш, мудом ҳақ сўзини айтишни назарда тутаямиз. Хулласи калом, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида бўлгани каби адабий танкидда ҳам бутун шахслар тақлиф.

Афсуски, бизда танкидчи “ур, калтак қилиш” деб тушуниш одатга айланган. Кимдир танкид қилинса борми, дарров хаёлимизга “Оббо, бечоранинг бошига қора қунлар тушар экан-да энди!” деган фикр келади. Ваҳоланки, танкид, аслида, ижодкорга қусурларини холис кўрсатиб, фазилатларини янада оширишга қўмақлашми, холос. Агар танкид ижтимоий, чунонки, адабий танкид одатий машғулотга айланса, уни барча аслидек тушуна бошлайди.

Демак, адабиёт манфаатини қўзаялган, ҳақ сўзини айта-ялган, деб касб этикисини унутиб қўйиш ҳам ярамак экан.

Бадий асар ҳақида танкидий фикрни муаллифга душман эмас, дўст бўлиб, нафратланиб эмас, суйиб айтмоқ даркор. Олмон файласуфи ва руҳшуноси Эрих Фромм севги ғамхўрлик, жавобгарлик, ҳурматлаш ва тушунишни тақозо этади, деб ёзади (Фромм Э. “Душа человека”. Москва, “Республика”, 1992). Келинг, энди бу фикрни мунаққид ва муаллиф муносабатига татбиқ этайлик.

Муаллифни севган мунаққид, аввало, унинг ижодий камолоти йўлида меҳнатини аямайди. Муаллифга ғамхўрлик кўрсатишнинг маъноси — шу. Яна унинг ижодидаги қусурлар учун ўзини ҳам айбдор ҳисоблайди. Муаллиф учун жавобгарлик дегани — шу. Бундан ташқари, муаллифнинг “мен”и, ўзлигини қадрлайди. Унга ўз йўлидан боришига имкон беради. Муаллифни ҳурмат қилишнинг маъноси — шу. Ва ниҳоят, муаллифни наинки ақлан англайди, балки қалбани ҳам ҳис этади. Яъни унинг руҳиятига қиради, унга ҳамдардлик туяди. Муаллифни тушуниш дегани — шу.

Бу тўрт фазилат танкидга ёр бўлса, муаллиф уни бажонидил қабул қилади. Йўқ, шунда ҳам саркашлиқ қилиб, нуқсонидан бўйин товласа, демак, у — маданиятсиз! Аммо шундай вазиятда ҳам мунаққид маданиятсизликка маданият билан жавоб қайтариши, касб этикисидан оғишмай ўз ишида давом этиши керак.

Ёш шоир-ёзувчилар ижодида, айниқса, авайлаб, суйиб танкидий фикр билдириш зарур. Чунки улар илк қадамидаёқ кескин, дағал танкидга дуч келиб, адабиётдан кўнгли совиб кетса, бундан сўз санъатимизга, унинг эртасига зарар етиши аниқ.

Тахрибали шоир-ёзувчилар танкидга чидамли бўлади, шу боис уларга талабчанлик билан ёндашавириш мумкин. Мунаққиднинг англашга баҳоси ҳаққоний ва адолатли бўлса, қалам аҳли ундаги мактовдан куч, танкиддан сабоқ олади.

Ҳар қанча мактовсуяр бўлмасин, шоир-ёзувчиға ҳам нуқул ҳамду сано эшитавериш — қони зарар. Шахсан ўзим қанча-қанча носир нозим асардан асарга ўсмай, турғунлик ёки та-наззулга юз тутаетганига гувоҳман. Нохиддий бўлса кам, бир қиёс келтирай. Жаҳон чемпиони унвонига эга

киройи боксчилар ҳам рингга секундантсиз чиқмайди. У эса боксчининг рақиб билан курашини синчиқлаб кузатиб, ютуқ ва камчиликларини айтиб туради. Жангчи қандай тактикага таяниб давом эттириш, ғалабани қай тариқа қўлга қиритиш юзасидан маслаҳатлар беради. Энди айтинг, наҳот шоир-ёзувчиларга шундай беминнат “секундант” керак бўлмаса?!

Бугун адабий танкид ижодкордан ҳам кўпроқ ўқувчиға зарур. Бозор адабиётга-да суқилиб қириши оқибатида паст савияли асар ва китоблар ниҳоятда кўпайиб кетаётир. Оқибатда малакасиз, айниқса, ёш китобхонлар шундай саёз, зарарли “асар”лар домига тушиб қолмоқда. Бундай иллат чуқур томир ёлганга ҳам, аввало, адабий танкид айбдор, дейишга ҳаққимиз бор!

Аслида, мунаққид ҳам бир ўқувчи. Бирок оддий эмас, малакали ўқувчи. Негаки, у асарни синчиқлаб ўқийди. Мутолаа асносида фикрлаб ҳам боради. Ва... оддий ўқувчиға пинҳон кўп маъноларни топади. Қолаверса, фалон асар неча ёқди ёки ёқмади, деб қўқолмайди. Нега ёққан ёки ёқмаганини мантикий асослайди. Шу жиҳатдан, у оддий китобхонга қайси асарни ўқиб-у, қайсисини ўқимаслик ҳақида тавсия беришга ҳақли. Бирок мунаққид тавсияси қандай шаклда бўлиши ҳам жуда аҳамиятли.

Танкидчи, шоир-ёзувчи сингари, китобхонга ҳам дўстона тарзда, суйиб муносабатда бўлиши керак. Унга ҳам мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб, камолотга етишиши учун тер тўкиши лозим. Китобхон нуқул енгил-елли асарларни ўқийтган бўлса, бунда ўзини кўпроқ айбдор санаш зарур. Айни чоғда, ўқувчининг “мен”и, ўзлигини ҳурмат қилиши шарт. Ва ниҳоят, уни наинки ақлан, балки қалбани тушуноғи лозим.

Энг катта нуқсонимиз шуки, ҳозирги китобхон қандайлигини аниқ билмаймиз. Ҳар қачон бўлганидек, бугун ҳам унинг бир неча тоифаси бор чиқар? Хўш, бу тоифалар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? Қайси тоифага қандай асарлар ёқди-ю, қандай асарлар ёқмайди? Қай бирининг дид-савияси юқори, қай бириники эса паст?.. Хуллас, ҳар бир тоифани батафсил ўрганиш ва ҳар бирга алоҳида ёндашиш зарур. Шу тариқа, барча китобхонда сара, етук асарларни мутолаа қилишга эҳтиёж уйғотиш лозим. Бу, эҳтимол, ғирт соддаликдир, лекин мен бир-иккита чин асарни ўқиб, теран заққ тулган китобхон паст савияли китобларни энди қўлга олмай қўяди, деб ишонаман. Ҳар қалай, Абдулла Орипов назми, Шуккур Холмирзаев насри ўзимга шундай таъсир кўрсатган.

Хуллас, янги адабий танкидчилик юзага келмас экан, шоир-ёзувчилар ижодий камолотга эришмайди, китобхонда эса юксак бадий дид ва савия шаклланади. Демак, бу эзгу ишни пайсалга солмай, унга ҳозирданок киришмоқ керак.

ТОҒЛИ ЙИГИТ ҚИСМАТИ



Фарб Ўйғониш ҳаракати даҳола-ри инсонни олий қадрият сифати-да улуғлаб, уни борлиқ, чунончи, табиат устидан мутлақ ҳукмрон деб эълон қилди. Бирок ўтган асрнинг ўрталарида бундай ёндашув нафақат табиат, балки инсон учун ҳам ҳалокатли экани аён бўлди. Шунда дунёнинг илғор фикр эгалари “янги гуманизм” ғоясини ялов қилиб кўтарди. Бу ғояга кўра, энди инсон табиат — жомадот, наботот ва ҳайвонот билан ҳамнафас, уйғун яшамоғи тақозо этилади.

Миллий адабиётимизда табиат мавзусини изчил ёритаётган адиб — Нормурод Норқобилонинг “Қорақуюн” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016) романида ана шу янги гуманизм ғояси бадий талқин этилади. Асар воқеалари XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амириликнинг бир тоғли ҳудудиди эди беради. Адл қоялар остида кўним топган тоғли аҳоли ота-боболардан мерос урф-одатлар асосида уруғ-қавм бўлиб яшайдилар. Шундай қавмлардан бирининг сардори — баднафс, ёвуз Итолмас тоғ бағридан олтин қони топади-ю, қўшни уруғ йигитларини тутиб келтириб, шу қонда қул қилиб ишлатади.

Шум тақдирни қарангки, жасур, ориятли йигит Эрман ҳам бир тасодиқ боис Итолмаснинг қулига айланади. Бу баднафс, золим кимсаннинг ҳўрлик ва ҳақоратларига чи-долмаган Эрман бир гал “...вакти келар, ит бўлиб бўзнингга ёпишмасам, этингни итларга бурдалатиб юмталаш қилмасам, бор еган-ичганим ... юкмасин, ҳаром бўлсин. Токи бошингга етмагунча элга аралашмайман, кўрга қўшилмайман”, дея онт ичади.

Чарқалак бир эврилиб, Эрмани қулликка маҳкум этган тақдир унга озод бўлиш йўлини ҳам кўрсатади. У ўз қишлоғига қайтгач, онтига мувофиқ, бир пучмоққа ўтов тикиб, элга қўшилмай яшай бошлайди. Зеро, ёзувчи таъкидлаганидек, “одам боласи, айниқса, тоғ ахли, аввало, қасам ичмасин, қасам ичдими, таомон, уни адо этмоқдан бўлак илоҳи қолмайди. Агар у қасамини адо этмаса... тамомила одамийлик сиёғидан чиқади...”

Итолмасдан “жонли ўқ” — гўл ити ёрдамида қасос олишни кўзлаган Эрман Қорақуюн деган итни оғоч қабасда бўри гўшти билан боқади. Шу тарика қўрттирилган Қорақуюн Итолмаснинг хидини олган заҳотиқ унинг бўзғига ташлашни лозим эди.

Асар якунида баттол Итолмас қилмишига яраша жазосини олади. У Эрман отган милтиқ ўқидан ҳалок бўлади. Аммо бу тўқнашувдан йигитнинг ўзи ҳам омон чиқмайди. Уни ўзи гўлда параваршилаган Қорақуюн ғажиб ўлдиради. Итолмаснинг аянчили ўлим топиши адолатдан эди, албатта. Бирок Эрманчи, нега у ҳам даҳшатли ўлим топди? Гап шундаки, Итолмас озод йигит — Эрмани қул қилиб, зулм этган бўлса, Эрман озод жонивор — Қорақуюнни гўлга солиб, зулм этган эди. Демак, Эрманининг бундай йўл топиши ҳам адолат қонунига зид эмас.

Нормурод Норқобилон мароқли сюжет яратиш баробарида пухта композиция туза олгани мактовга лойиқ. Романининг сюжет вақти бир неча ойни ўз ичига олса-да, композиция вақти бир кечадан иборат, холос. Бутун воқеа икки қон душман — Эрман ва Итолмас ўзаро тўқнашиб, олдинча-кетининг ўлим топадиган ўша кечадан содир бўлади. Бирок муаллиф Эрман онгида аввалги воқеаларни қайта тиклаш — ретроспекция усули орқали йигит ва тоғ ахли ҳаётининг анча катта даврини қамраб олади. Хуллас, воқеалар бугундан кечага, кечадан эса яна бугунга қайтиш тарзида жойлаштирилгани ўзини тамомила оқлаган.

Бизнингча, муаллиф сюжет ва композиция яратишдаги маҳоратини бошқа шаклий унсурларда ҳам кўрсата олганида нур устига нур бўлар эди. Чунонки, баён бадий асарда, шак-шубҳасиз, муҳим унсур. Бирок у тасвирга бўйсундирилиш, тасвирга тобе этилиши лозим. Шунга афсус билан айтмоқ керакики, “Қорақуюн”да баён тасвирдан устунлик қилади. Бундан ташқари, баъзи персонажлар характери тўлиқ очилмайди. Масалан, асарнинг образлар силсиласида муҳим ўрин тутган сулув ва жасур аёл — Итолмаснинг иккинчи хотини Ойбекач тимсолини янада жонлироқ қўришни истардик.

Нормурод Норқобилон бутун ижоди давомида ўзи яхши билган ва яхши кўрган мавзу — табиат мавзусига содиқ қолаётир. Унинг “Қорақуюн” романини ўқиган китобхон табиат мавзозатини бузиш инсон учун нақадар хатарли эканига яна бир қарра имон келтиради.

Кенгесбой КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

МЕНИНГ ПОМИРИМСАН, МЕНИНГ ЖОНИМСАН

Туркий тили

Култегин бободан ўқдим отингни,
Махмуд Қошғарийдан кўрдим хатингни,
“Қутадғу билик”дан ҳоқонотингни
Юксалтирган менинг туркий тилимсан.

Нақадар қадимий буюк шажаранг,
Сербутўқ шохингда қанча мева, ранг,
Юлдузлар каби мўл шеванг, иборанг,
Сен осмон, сен дунё, туркий тилимсан.

Бир ота-онанинг эти-тирноғи,
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман турпоғи,
Озар, қўмиқ, авар, қорақалпоғи
Она деб сўзлаган туркий тилимсан.

Суйиб болам дейсан, меҳрибонимсан,
Менинг томиримсан, менинг жонимсан,
Она сўти билан қирган қонимсан,
Онам, она тилим, туркий тилимсан.

Танимаса

Не ҳам дердинг қорбозорда
Сарроф пулин таннимаса.
Мева бермай тўқилмасми,
Ари гулин таннимаса?

Нафса қул сафсатабозлар
Амал кўзлаб, курси созлар,
Хор бўлмасми ўрдақ-ғозлар,
Қўнар қўлин таннимаса.

Инжу-маржон, ёқут-олмос,
Ким айтади: “Ерда қолмас?”
Зарнинг тошча қадри бўлмас,
Заргар молин таннимаса.

Йигитлар мол йиға бошлар,
Даврон сурар, кўнглин хушлар,
Зор бўлурлар, кўзин ёшлар,
Бир кун элин таннимаса.

Будутлар тинмай кўчарлар,
Телба еллар қулашларлар,
Эсдан озган, дейишларлар,
Жайрон чўлин таннимаса.

Ҳой қалпоғим, йиғлама, бас,
Бир сўз айтсак, бўлмас абас,
Бахти қулиб боқавермас,
Халқ ўнг-сўлин таннимаса.

Кўчи билан кўчар қарвон,
Ҳаёт юки оғир ҳар он,
Кетмасми тиззадан дармон,
Сорбон йўлин таннимаса.



Ўрқач қумлар тўғон солган,
Сахрода йўл юриб толган,
Аму қандай омон қолган,
Ўз Оролин таннимаса.

Майса битмас сувсиз ерга,
От жонивор қанот эрга,
Ор қилар эл сайис дерга,
Эр тулпорин таннимаса.

Тўрга чиқса, ўрин бермас,
Кулги бўлса айб кўрмас,
Шоир ёзганлари шеърмас,
Сўз гавҳарин таннимаса.

Ҳақ сўз бўлар аччиққина,
Ғани уқар зийракқина,
Қаримтекли, қилма гина,
Сени элинг таннимаса.

Намурорт

Қўрганмисиз ёзда уфққа,
Ёғду сочиб ботган кўёшга?
Қўрганмисиз чўғдай қизарган
Сулув қизнинг юмалоқ юзига?
Туйганмисиз саҳар пайтида
Гулга қўнган шабнамнинг исига?

Ана шундай хушрўй ранглари,
Ана шундай хушбўй ифори,
Қандай қилиб жам эта олган
Столимга қўйилган олма?!

Чироғи

Сўямасин деб ҳаётимнинг чироғи,
Онам мени “чироғим” деб айтарди.
Сўямасин деб ҳаётимнинг чироғи,
Отам мени “чироғим” деб айтарди.

Вақт айирди ота-онамдан бир кун,
Еру кўкни зир титратди сўроғим.
Қулоғимдан сира чиқмайдди лекин
Отам айтган, онам айтган “чироғим”.

Энди ҳеч ким айтмас менга бу сўзин,
Нур эди-я онам айтган “чироғим”.
Эсласам, доимо унутиб ўзини,
Қайноқ ёшга тўлар кўзим, қароғим,
Нур эди-я отам айтган “чироғим”.

Дўлалай

Хотирамга битилган зарҳал
Ёшлик завқи, “ёр-ёр”, “ла-ла-лай”...
Айтиларди бизлар ёш маҳал
Бир ажойиб қўшиқ — “Дўлалай”.

Қўшиқ қуйлар эди радио,
Қизларди қонимиз атай,
Юракларни айлаб маҳлиё
Янгради эди ажиб “Дў-ла-лай”.

Бу сеҳрли сўзнинг маънисин
Ўқмасак-да бизлар, ҳарқалай,
Азиз эди ҳаммамиз учун
“Дўлалай, дўлалай, дўлалай”.

Осмон ўзга, кўз ўзга

Деразадан кўринган осмон,
Керагадан кўринган осмон
Барибир бир осмон, бир осмон.

Деразадан қараган кўзлар,
Керагадан қараган кўзлар
Барибир ўзгача, ўзгача.

Кўз

Чинорларда уясин ташлаб,
Иссиқ юртга ошиқар қушлар.
Бу ажойиб Дўрмон боғида
Олтин барглари тўқила бошлар.

Қушларнинг сафига эргашиб,
Сен томонга учар соғинчим.

Тош

Тошнинг синиги ҳам тош бўлар,
Ушалса ҳам тошнинг оти тош.
Тош тўпса ҳам қандай қолинга,
Мумкин эмас бошқача аташ.

Тошни мисол қилмадим бекор,
Бир гапим бор, ўйланг эрта-кеч.
Тошга ўхшаб одамларнинг ҳам
Одамлиги йўқолмасин ҳеч.

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

Ашурали БОЙМУРОД

ҚАДИМ НАВОЛАР

«Қирқ беш кун»

Дунёда ягона бир сўз бор — ҳашар,
Миллат тимсолига айланган туйғу.
Бундай яқдилликини кўрмаган башар,
Тонг саҳар қочади кўзлардан уйқу.

Халқим такрорлади эзгу амалини,
Юрак, уйғон энди, оташ бўлиб қалқ.
Олтин Фарғонанинг катта канални
Қирқ беш кун ичинда бунёд этган халқ!

«Қирқ беш кун» тилларда бўлдиқ жаранг,
Жасорат дегани шундадир мутлоқ.
Янгилан туғилди во, ажаб, қаранг,
«Манас» деб аталган чекка бир қишлоқ.

Халқим, сенинг билан бутун ҳаракат,
Кўнгузинг файзли, ёруғ туйларинг.
Агарки ободдир кўнгул, мамлакат,
Доимо бор бўлсин «Қирқ беш кун»ларинг.

Муножот

Қадим наволарим юртимга қайтди,
Букун янгиланган озод дунёга
Кўнгулдан хуш дуо, илтижо айтди,
Бир оҳанг таралғай, қуйладир нажот,
Давом этаётир ўша «Муножот».

Муганийн созидан вужудим сархуш,
Кўнглим боғидадир ҳамон сайроқ қуш,
Мозийин тинглайлик, кел ёнимга туш,
Бир оҳанг таралғай, қуйладир нажот,
Давом этаётир ўша «Муножот».

Асрлар нидоси — қўйна Шашмақом,
Регистон оҳанги навобахш мақом,
Уни тинглаётир жумлан жаҳон,
Бир оҳанг таралғай, қуйладир нажот,
Давом этаётир ўша «Муножот».

Ўзбегим навоси дунё бўйлайди,
Асрлар дардини ёниб қўйлайди,
Дард эмас, қимлигин элга сўйлайди,
Бир оҳанг таралғай, қуйладир нажот,
Давом этаётир ўша «Муножот».

Жароҳат

Нақадар қўяниб бормоқда, э-воҳ,
Оламнинг шикаста, жароҳатлари,
Ўзинг шифо бергин эй, қодир Оллоҳ,
Малҳамдир кўнгулнинг шафоатлари.

«Камқонлик» дардида Сир билан Аму,
Юзлари заъфарон, ҳорғиндир Орол,
Унинг халоскори — бир табиб борму,
Табиат беҳуда топмасин завол.

Шикаста бўлмасин имон-эътиқод,
Кимдадир «босим» бор, ким эса «камқон».
Ҳар битта жабҳада кўрдим жароҳат,
Мажруҳ қиёфада баъзида виждон.

Ҳар дамда ҳис этдим табиат кучин,
У турфа рангладир, ўзгарар минг бор.
Она табиатин асрамоқ учун
Қалбларда жароҳат бўлмасин зинҳор.

Жалил РАҲМАТ

ОРЗУЛАРИМ

Ойдин қишлоқ

Ойдин қишлоқ оғушида,
Ёришган дил орзуларим.
Оқшомлар ой ёғдусига,
Йўғрилган пок туйғуларим.

Ойдин қишлоқ оғушида,
Болаларим дунёси бор.
Жўшқин анҳор оқушида,
Боболарим дуоси бор.

Ойдин қишлоқ оғушида,
Самога сир айтгим келар.
Хилватгина боғ ичида,
Илк севгимга қайтгим келар.

Ойдин қишлоқ оғушида,
Бир кун буткул қайтарим бор.
Кўз ёмири ёғишида,
Ёзар қўшиқ, байтларим бор.

Ўхшағи келди

Дуо олмоқ учун ҳар саҳар,
Эшикдан бир йўқлагим келди.



Битта шеър

Битта шеърда ҳикмат кўпдир, гап кўпдир,
Ёзмоқ мумкин уни қалам, сиёҳда.
Сўз олами бисёр, аммо шеър йўқдир,
Ҳақиқий шеър қолиб кетди қаёқда?

Кеча оқшом бир мўъжиза рўй берди,
«Уф» тортиди бир силкинди она Ер.
Рухлар тушда самолардан сўз терди,
Ўлиқка жон бағишлади битта шеър!..

Мулоқот

Мен олис сафарга чиққанман букун,
Танимга бор дардин йиққанман букун,
Отам ўғитларин уққанман букун,
Бир мўмин кўнглини қилай деб обод,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Менинг ҳам ғамимдир дўстимнинг ғами,
Дўстимнинг ҳаётда бўлмасин қами,
Тоғни ҳам қулатар кўзларин нами,
Ўшанда ёнингда тургайман фақат,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Кўнгулнинг ишидир дўстни хушламоқ,
Одатта айлансин қўлни ушламоқ,
Мақсадим эл учун ёниб ишламоқ,
Ҳар неки савоб иш — олий муқофот,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Халққа нафиги тегсин гар инсон бўлсанг,
Қандай соз, бу йўлда яхши иш қилсанг,
Дунё эзгуликдан улғаяр билсанг,
Умидбахш дилларга бахш этиб қанот,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Фараҳбахш қушларни бедор қуттайман,
Ўзгалар дардига қулоқ туттайман,
Бу йўлдан сен ила бирга ўттайман,
Ўзингсан бардошим, ўзингсан тоқат,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Энг аввал ўзингни тинглаганим рост,
Ва элининг дардини англаганим рост,
Шу буюк Ватанин танлаганим рост,
Сен билан азобим, сен билан роҳат,
Кўнглим, сенинг билан қилдим мулоқот.

Севги

Бир чехра суратини юрагинга чизар ўйиб,
Писанд қилмас шамол, бўрон, қаҳратонни.
Вужудинга оташ чўғин солиб қўйиб,
Қиш чилласи олиб келар саратонни.

ҲАР ҚАДАМДА БИР ҲИКМАТ

Ажойиб инсон

Енгил машинада бораёғимиз. Олдимизда кетаётган “Нексия”нинг ҳаракатини тушуниб бўлмасди: ҳайдовчи машинани кўчанг у ёнидан бу ёнига илон изидай ҳайлаб, орқасидан келаётган автоуловларни олдинга ўтказмасди. Бизнинг ҳайдовчи олдинга қайрон бўлиб, “Ие, бу одамнинг соғлиги жойдамикин, ўзи?..” деб сигнал бера бошлади. Ёнма-ён, орқадан келаётганларнинг ҳам тоқати тоқ бўлаётгани аниқ — турли сигналлар овози кучайиб борарди... Ниҳоят, олдимиздаги машина тумшугини йўл четига тираб қия тўхтади, ҳайдовчи шошиб тушди. Шунда машина билан бетон тўсиқ орасида тилини осилтириб турган кучука кўзимиз туши: демек, кучуқ йўл ўртасидан югуриб кетаётган бўлган. “Нексия” ҳайдовчиси уни ҳимоялаб борган ва четга, беҳавотир жойга чиқишини кутган. Қўрқиб кетган кучуқни катта йўлдан четга чиқарган ҳалиги ҳайдовчи қўлини қўсига қўйганча ёнидан ўтиб бораётганларга “ўзр” маъносини ишора қиларди.

— Ажойиб инсон экан! — деди ҳалигина асабийлашган ҳамроҳим. — Аллаҳачон айланиб ўтиб кетаверса бўларди. Орқадан келаётганлар бирдан итти кўрмай қўлиб босиб олиши мумкин деб ўйлаган экан-да!

Инсоннинг биргина ҳаракати ҳам у ҳақида қанча маълумотлар бериши мумкин экан! Ҳеч кимга, ҳеч нарсага озор бермайдиган, ҳаёт йўлларида учрайдиган барча ҳимоятлабларга имкони етганича қалқон бўла оладиган ўша кишининг қиёфаси кўз ўнгимда қолди. Шу тўғрисида кўпчиликка гапириб бердим, эшитганларнинг аксарияти “Ажойиб одам экан!” дейишди.

Муҳаббат

Уч ёшли қизалоқ кўрпачалардан жой тўшаб, қўғирчоғини ётқизди. Устига сочиқча ёпиб, менга: “Қараб туринг, кўпми?! Устини очиб юбормасин!” деб тайинлади. Кейин “чақалоғи ухлаётганида ишларини бажариб олмакчи” эканини айтиб, хонадан чаққон юриб чиқиб кетди.

Унинг хатти-ҳаракатини завқ билан кузатарканман, “Онасидан ўрганган-да” деган ҳасл ўтди кўнглимдан. Бир оздан кейин қизалоқ бир нарсасини ёнидан чиқаргандек “чақалоғи” ёнига шо-



шиб келди ва унга меҳр билан қараб турди-да, эгилиб пешонасидан ўпди. Сўнг бармоғини лабига босиб, менга “жим” ишорасини қилди. Яна бир фикр кўнглимга нур таратди: “Бу сирли-сеҳрли туйғунини унинг мурғакқина қалбига Аллоҳ тўхфа этганмикин...”

Оналик

Қурк товук босиб ётган тухумлардан бири ўрдақники экан. Маллаю олачипор товук жўжаларни орасида ташпоқ оёқчаларини ерга қилиштириб лапанглаб юрадиган оппоқ митти ўрдакча ҳаммани ажаблантирар, диққатни тортар... фақат она товукқина жўжаларининг атрофида бирдай парвона, ҳаммасини қанотлари остига олиб, ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қиларди. Айниқса, у митти ўрдакча орқасидан жонхалак бўларди. Чунки оёғи таппоқча истаган пайт тўладан ажралиб чиқарди-да, пилдираб бориб ҳовлидан оқиб ўтган ариқ сувига шўғлиб, бир оздан сўнг кўринарди. Шундай пайтларда худди бола-сидадан ажралиб қолаётгандек ариқ бўйлаб зир югуриб қаққалаган она товукнинг ҳолига ким қулар, кимнинг раҳми келарди. Бу ҳам етмагандек, митти ўрдакча сўз оқими бўйлаб сузиб девор тағидаги тешиклдан қўшникига ўтиб кетарди. Ана унда кўрсангиз она товукнинг аҳволини: ҳовлини бошига кўтариб шовқин солар, девордан ошиб ўтишга шайланар, ниҳоят, бунинг йўлини топарди — аввал деворга ястангандай қийишқ ўстан дарахт шоқларига, ундан девор

Ҳаёт сабоқлари

Уч ёшли қизалоқ кўрпачалардан жой тўшаб, қўғирчоғини ётқизди. Устига сочиқча ёпиб, менга: “Қараб туринг, кўпми?! Устини очиб юбормасин!” деб тайинлади. Кейин “чақалоғи ухлаётганида ишларини бажариб олмакчи” эканини айтиб, хонадан чаққон юриб чиқиб кетди.

Унинг хатти-ҳаракатини завқ билан кузатарканман, “Онасидан ўрганган-да” деган ҳасл ўтди кўнглимдан. Бир оздан кейин қизалоқ бир нарсасини ёнидан чиқаргандек “чақалоғи” ёнига шо-

шошилмади, чунки энди она товукнинг аввалги шахду шиллати йўқ эди — узук-юлуқ қаққолаб кириб келди ва тухумларни босиб ётди.

Кеча она товукнинг баридан ўғирланган жўжаларни аввалгиларига қўшиб хурсанд юрган йигит эрталаб хабар олгани кирганда, бир сиқимгина бўлиб қолган она товукнинг боши осилиб ётарди... Ҳовли жим-жит, тинмай

“чий-чий”лайдиган жўжалар ҳам она товук аҳволига мотам тутишаётгандек эди. Йигит бир-бир босиб улар қамалган каттакка яқинлашаркан... ногоҳ ерда сочилиб ётган майин патчаларга кўзи тушди. Онасиз — ҳимоясиз қолган жўжаларни мушукми, итми еб кетганди...

Муҳтарам УЛУҒОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Бу суратни ҳар сафар томоша қилганимда ҳайратга тушаман, — дейди Отабек ака компьютер экранидан кўз узмай. — Адабиёт музейида ишлаб келаётганимга йигирма йилдан ошди. Аммо музейимизга ҳозир суратда кўрганингиздек кўп томошабин келганини ҳали кўрмаганман. Ҳолбуки, суратда фақат ташқи манзара акс этган. Ҳали ичкарида қанча томошабин борлигини кўрмаймиз.

Этибор берганмисиз, Адабиёт музейи Алишер Навоий шох кўчасида, шоир номидаги метро бекати билан ёнма-ён жойлашган. Фикрлаб кўрилса, бу меъморий жиҳатдан чўқур ўйлангани аён бўлади. Музейга келаётган томошабинлар метро вагонидан тушгани ҳамон "Хамса" дostonларига ишланган аjoyиб керамик ишлар билан юзлашади. Ташқарида эса уларни Алишер Наво-

сидаги музей ҳисобланган ва эътирофга лойиқ фаолият юритган.

Фидойи олим Ҳамид Сулаймон музейга раҳбарлик қилган йилларга бир назар солинг... Катта жонқуярлик билан олиб борилган ишлар натижасида музей хазинаси минглаб экспонатлар, ноёб кўлэзма ва архивлар билан бойиди. Кўпала илмий тадқиқотлар, экспедициялар амалга оширилиб, намойиш заллари аjoyиб рангтасвир асарларига тўлди. Кейинги йилларда ҳам музейнинг илмий-маърифий салоҳиятини ошириш борасида анча ишлар қилинди. Раҳматли устозимиз, академик Азиз Каюмов умрининг ўттиз олти йилини мана шу музейга бағишлади. Ҳозирги кунда фондимида етмиш мингга яқин нодир ашёлар, кўлэзма ва архив ҳужжатлар жамлангани ҳам бунга далил.

Сўхбат

— Адабиёт музейининг Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ёзувчилар архиви ҳамда нодир кўлэзмалар фонди мавжуд. Уларни асраш, ўрганиш ва бойитиш борасида қандай ишлар амалга ошириш кўзда тутилган?

— Ҳозир ўзбек ёзувчиларига тегишли олти минг мингдан ортиқ архив материаллари ҳамда уч мингдан зиёд нодир кўлэзмалар фондими асосини ташкил этувчи бебаҳо манба. Реконструкция муносабати билан кўлэзмалар фонди ва архив хоналари замонавий талаблар асосида жиҳозланади. Нодир кўлэзмаларнинг факсимил ва электрон нусхаларини яратмоқчимиз. Бу уларни илмий жиҳатдан ўрганиш учун янада кенг имконият яратади. Сўнгги йилларда ёзувчиларнинг архивларини тўплаш иши анча тўхтаб қолди. Фикримча, бунга тижоратта эмас, миллий адабий меросимизни асраб қолиш имконини берувчи хайрли йомушга айлантириш керак.

— Тўғри, мамлакатимизда адиблар меросини асраш ва тарғиб қилиш ишига жиддий этибор қаратиш вақти келди. Шу ўринда Рус адабиёти давлат музейи таърибаси эътиборни тортади. Москвадаги бир неча йирик адабиёт музейлари, жумладан, ёзувчиларга тегишли уй-музейлар ягона илмий-маърифий муассаса таркибига бирлаштирилган. Шундай тизимни бизда ҳам қўллаш мумкин эмасми?

— Жуда қизиқарли ғоя. Агар Адабиёт музейи ва ёзувчиларнинг уй-музейлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилса, имкониятларимиз янада кенгайиб, қўшма лойиҳалар, йирик кўргазма ва тадқиқотлар ўтказиш учун шароит пайдо бўлиши аниқ. Баъзи раҳбарлар уй-музейлари фақат томоша учун хизмат қилади, деб ўйлайди. Аслида уй-музейлар илмий фаолият билан шуғулланиши, ёзувчиларнинг архивларини ўрганиб, китоблар нашр этиши керак. Абдулла Қаҳҳор уй-музейи билан 2009-2016 йиллар давомида ҳамкорликдаги тадқиқот ишларимиз натижаси ҳам бунга кўрсатиб турибди.

— Музей фондида ҳавас қилса арзийдиган тасвирий санъат асарлари жамланган. Айниқса, устоз мусаввирлар Чингиз Аҳмаров ҳамда Темур Саъдуллаев қаламига мансуб маҳобатли деворий суратлар бебаҳо қимматга эга. Реконструкция пайтида уларнинг тақдири қандай кечади?

— Ростини айтганда, бу масала бизни ҳам жиддий ўйлантирмоқда. Соҳа мутахассислари қурилиш пайтида уларни ҳимоялаш йўллари топишига ишонамиз. Илоҳи бўлса, барчасини реставрация қилиб, муносиб кўринишга келтириш керак. Умуман, музейимизни бебаҳ турган гўзал деворий суратлар, портрет ва "хайкалларни" янада кўпайтириш лозим, деб ўйлайман.

— Адабиёт музейи томошабинларни ҳайратга соладиган, фикрлашга қорлайдиган маърифат маскани бўлиши керак. Гарчи бунга эришиш осон бўлмаса-да, суҳбатимиз аввалида кўрганимиз тарихий фотодаги ўша манзарага келажакда яна гувоҳ бўлишимиз мумкинми?

— Музейимизга илк тамал тоши Иккинчи жаҳон уруши арафасида қўйилган. Уни шакллантиришга қарийб чорак асрлик тайёргарлик, меҳнат ва изланиш талаб этилди. Бугун замонавий меъёрларга жавоб берадиган Адабиёт музейининг фаолиятини йўлга қўйиш учун кўп ишларни амалга ошириш лозим. Музейда ташкил этиладиган янги бўлимлар, намойиш залларини қисқа фурсатда мукамал кўринишга келтиришнинг имкони йўқ. Экспозициясини бойитиш — йиллар давомида олиб бориладиган мураккаб жараён.

Устозларимиз бир гални кўп таъкидлайди: "Алишер Навоий "Хамса" дostonларини икки йилда ёзиб битирган, биз эса беш асрдан буён уларни ўрганишмоқдамиз". Бу мисол музейимиз фаолиятига ҳам дахлдор. Ўзбек адабиёти — жаҳоирларга бой сарҳадсиз уммон. Демак музейни бойитиш жараёни мунтазам давом этади. Агар олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга эришсак, Адабиёт музейининг томошабини аввалгидан ҳам кўпроқ бўлишига ишонаман.

Азизхон ИМОМОВ
суҳбатлашди.

РАҚС СЕҲРИ



Бошланиши биринчи саҳифада.

Сўнгги йилларда юртимизда маданият ва санъатга жиддий этибор қаратилиб, соҳани ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинаётгани бежиз эмас. Айниқса, ўзбек миллий санъатини дунёга кенг намойиш этиш ва бу орқали туризмни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар таҳсинга лойиқ. Бундан икки йил муқаддам кўҳна ва навоқирон Хива шаҳрида ўтказила бошланган "Рақс сеҳри" халқаро фестивали ҳам шулар қаторида санъат дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи ришта сифатида хизмат қилаётганидан далолатдир. Бу йилги фестивалнинг ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ташкил этилиши учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят туризмни ривожлантириш департаменти, вилоят Маданият бошқармаси, Хива шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида пухта тайёргарлик қўрилди. Юртимиз ва хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситаларида роликлар, мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам бериб борилади. "Рақс сеҳри" фестивали уч кун давомида айнан оқшом пайти эртақмонанд Хива шаҳрига ўзгача тароват, меҳмонлар дилига завқ шавқ бағишлади. Кечки чироқларнинг шуъласи раққос ва раққосалар либосларидаги турфа рангларга уйғуналиб, обидалар, осмонлар миноралардаги рангдор нақшларга янада жило бағишлади. Ўша кунлари Ичан қалъа кўчаларида республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган уста-хунармандларнинг

ярмаркалари, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари, ошпазлар маҳорати, фольклор-этнографик жамоалар, оқин ва бахшиларнинг дастурлари, вилоят мусиқали драма ва кўғирчоқ театрларининг томошалари намойиш қилинди. Тадбир доирасида "Рақс санъатида миллий анъаналарнинг аҳамияти" мавзусида илмий-амалий анжуман, миллий рақс санъати бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

Япон қизининг дутор чалиб, "Чаман ичра" ашуласини соф ўзбек тилида қўйлаши, кунчиқар юрт раққоса қизларининг "Доира" рақсини худди ўзимизнинг раққосалардек қойилмақом ижро этиши барчанинг олқишига сазовор бўлди.

— Ўзбек халқининг миллий қадриятларига, айниқса, санъатига қизиқишим катта, — дейди япониялик Комазаки Машу. — Шу сабаб бой ўзбек тилини, миллий мусиқа асосларинингизни чалишни ўргандим. Репертуаримни халқингизнинг маънавий бойлиги саналган миллий қўшиқлари билан бойитиб бораётган. Ўзбек дўпписи ва адресида саҳнага чиқиб қўйлаганимда юртдошларим бу санъатни қандай ўрганганим, ўзбекларнинг урф-одатлари ҳақида мени саволга қўйиб ташлашади. Мен уларга бу ерда кўрганларим ва ўрганганларим хусусида эринмай гапириб бераман. Улар, албатта, Ўзбекистонга бир марта бўлса ҳам келишни ният қилишади. Уч йилдан буён ўтказиб келинаётган "Рақс сеҳри" халқаро фестивали бу гал ҳам дилларни дилларга боғлади, шунинг баробарида мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда янги саҳифаларга мавзу бўлди. Яқунда фестиваль қатнашчилари турли номинациялар бўйича тақдирланишди.

Шохрух ИБДУЛЛАЕВ

ҲАЯЖОНДА КЕЧГАН УЧ КУН

Қозоннинг F. Камолов номидаги Татар давлат академик театри жамоаси уч кун давомида пойтахтимизда сафарда бўлди. Санъаткорлар Ўзбек давлат миллий академик драма театри саҳнасида учта энг яхши спектаклни намойиш этишди.



Татар драматургиясининг мумтоз намоёндаларидан бири Камол Тинчурин қаламига мансуб "Мовийранг рўмол" спектакли томошабинлар илтимосига биноан икки марта кўрсатилди. Саҳнани кўз узмай қўзатиб ўтирган томошабинлар актёрлар ижросини қарсақлар билан олқишлаб туришди. Дастлаб 1926 йили саҳнага қўйилган бу асарнинг мавзуси бугунги томошабинини ҳам бефарқ қолдираётгани драматургининг юксак маҳорати ва актёрларнинг бетақорор ижроси натижасидир.

Бугунги кун муаммолари, одамлар ўртасидаги муносабатлардан ҳикоя қилувчи "Хўро қафасга туши" (драматург Аёз Гилязов) спектакли ҳам томошабинларга манзур бўлди. Илгиз Зайниевнинг "Кечиккан ёз" асари асосидаги спектакль келасю ёш санъат илосмандларининг гўлдурас қарсақлари остида яқунланди.

Таниқли санъаткорлар Р. Иброҳимова, Е. Аҳмедов, Е. Салбиев, Т. Муминов, Ф. Абдурахимова, адабиётшунос олим Ш. Ризаев спектаклни ҳайратланиб томоша қилишди. "Утти йилдан сўнг тикланган алоқаларимиз бизга ҳайрат ва ҳаяжон тақдим этди, — дейиши улар бир овоздан. — Ўзбек театри ва театр мак-

таби туғилиши ва шаклланишида катта роль ўйнаган буюк режиссёр, татар театри асосчиси Ғалисқар Камол ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек саҳнасида қатор асарлар постановкасини амалга оширган. Бугунги гасгроль сафари икки халқ театр ҳаёти қардошлигининг узвий давомидир. Очиги, узоқ муддатли танаффусдан сўнг ҳамкасблар

билан бўладиган учрашувдан ҳар нарсга кутиш мумкин, лекин бундай бемисл шодлик ҳаммамизни ҳаяжонга солиди. Спектакллардан ҳайратдамиз. Режиссёрларга алоҳида тасанно!"

Самарқанд билан учрашув ҳам таассуротларга бой бўлди. "Самимий қабулдан, ўзбек миллий чолғуларида чалинган миллий оҳанглардан, жарангдор ўзбек тилидаги тилаклардан уч кун давомида кўкларда парвоз қилдик, ушбу учрашув қалбимизда абадий қолади, дўстлигимиз мустаҳкам, унга ҳеч қандай раҳна солмайди", деган сўзлар қозонлик санъаткорларнинг юрак-юратидан отилиб чиқди. Айниқса, шу ерда тутилган ёки Тошкентда ўқиган бош режиссёр Фарид Бикчанбаев, дирижёр Фуат Абубакиров, бош рассом

Сергей Скоморохов, таниқли актёр Фанис Зиганша ўтган дамларни эслатганда ҳис-ҳаяжонларини яширолмадилар.

— Меҳмондўст ўзбек халқи доимо бизнинг қалбимизда, — деди театр директори Ильфир Якупов. — Биз муҳлиснлар орасида кўп ёшларни учратдик. Улар миллиятимиз маданиятининг энг яхши намуналарини, гўзал татар тилидаги нутқимизни, миллий оҳангларимизни тинглаб, рақсларимизни томоша қилганларидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Бундай тадбирлар халқтаримиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамлашига хизмат қилади, албатта.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ва Татаристон Республикаси Маданият вазирликлари, мамлакатимиздаги Татаристон Республикаси ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу гастроль сафари икки қардош халқнинг том маънода дўст ва ҳамкор эканини исботлади.

Тошкент учрашувлари шу йилнинг 23-28 сентябрь кунлари Татаристонда давом этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари F. Камолов номидаги Татар давлат академик театри саҳнасида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Татаристоннинг узукко томошабинлари ва театр мутахассислари Ўзбекистонлик санъаткорлар ижросида иккита спектакль томоша қилдилар. Биринчи таниқли драматург Кўчкор Норқобилнинг "Тақдир синонари", иккинчиси улғур адиб Чингиз Айпатов асари асосида қўйилган "Момо ер" спектаклидир.

Ўзбекистон ва Татаристон Республикалари Маданият вазирликлари ҳомийлигида ўтадиган маъмур ижодий сафар икки халқ маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлишига шубҳа йўқ.

Флора ФАХРУТДИНОВА

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ:
КЕЧА ВА БУГУН

ий номидаги музей қарши олади. Яъни буюк шоир ижоди билан ер остида ҳам, устида ҳам учрашамиз. Афсуски, бу уйғунлиқни асл кўринишда сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Музейга кўп йиллар давомида ўзига хос қиёфа бағишлаб турган бюстлар номаълум сабаблар туфайли олиб ташланди. Шунгачи, бу тарихий суратга назар солганимда кўнгилда баъзи армонли саволлар пайдо бўлади.

— Отабек ака, ўшандай саволлардан бири менда пайдо бўлди. Биласизми, масаланинг бир жиҳати кишини ажаблантиради. Нега ярим аср муқаддам Адабиёт музейига қизиқиш шу даражада катта бўлгану ҳозир...

— Фикрингизни англадим. Назаримда, илгари миллий адабиётимизга, айниқса, мумтоз ижодкорлар меросига кучли қизиқиш, чанқоқлик бор эди. Бунга ўша даврдаги сафуралашган, сиқик маънавий муҳит ҳам сабаб бўлган. Ҳар бир халқ ўз миллий адабиётидан баҳраманд бўлишни истади. Шу туфайли Адабиёт музейи жамият учун муҳим маърифат ўчоғига айланди.

Тўғри, мумтоз адабиётга қизиқиш ҳозир ҳам катта. Фақат бу меросга муносабат ўзгарган. Техника асрида бироз эришчюқ бўлиб қолдикми, кутубхонага аъзо бўлгандан кўра, китобни телефонга кўчириб олишни маъқул кўрамыз. Ёшлар ўзлари учун керакли маълумотни асл манбадан эмас, интернетдан излашга ўрганиб қолди. Майда юмушларга шу қадар ўралашиб қолганмизки, музейга бориш бир четда турсин, ҳоҳида бадий адабиёт мутлоаа қилишга вақт топиламайди. Айниқса, ёшлар китобдан узоқлашиб кетди. Бу ҳақда кўп гапирамызу, лекин вазият ижобий томонга ўзгараётгани йўқ. Умуман, томошабин муаммолари бугун бошқа музейлар учун ҳам жиддий масалага айланган.

— "Сўз кишининг қандайлигини кўрсатиб берганидек, адабиёт жамиятининг қандайлигини кўрсатиб беради", деган экан француз файласуфи Луи Бональд. Бугун Адабиёт музейи залларини айланган киши ўзини ўтган асрнинг етмишинчи йилларига тушиб қолгандек ҳис қилади. Кўп жиҳозлар эскириб, намойиш заллари таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Сиз тилга олган муаммоларнинг иккинчи томони шу билан боғлиқ эмасми?

— Музейга фақат унинг ташқи қиёфасига қараб баҳо бериш нотўғри. Четдан туриб камчилик топиш осон. Ваҳоланки, музей оддий томошахона эмас, балки ўзига хос тирик вужуд. Бу ерда бутун бир жамоа меҳнат қилишини унутмайлик. Музейнинг асл салоҳиятини кўриш учун, аввало, унинг ўтмишини, имкониятларини билиш зарур. Масалан, биз жойлашган тарихий бино ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида маъмурий мақсадларда қурилган. Яъни бино музей учун махсус қурилмаган, балки мослаштирилган. Биргина мисол: бизда экспонатлар учун мўътадил шароитни таъминлаб берадиган махсус ҳавони бошқариш тизими йўқ. Шунга қарамай, шўролар даври учун у талаб даража-



— Лекин музей залларининг ҳозирги аҳволи замонавий талабларга жавоб бермаслиги аққол кўриниб турибди. Бундан кўз юмолмаймиз. Бугун музей фаолиятидаги асосий муаммолар нимадан иборат ва уларни ҳал этиш борасида қандай чоралар қўрилмоқда?

— Адабиёт музейининг намойиш майдони анча кенг, умумий экспозиция қирқдан зиёд зални эгаллайди. Улардаги кўп жиҳозлар, ёритиш ускуналари, витрина ва стендлар эскириб қолгани рост. Буларни янгилаш қийин иш эмас. Асосий масала музейнинг даврга мос замонавий қиёфасини яратиш билан боғлиқ. Биз ўтган асрдан қолган эски намойиш усулларидан воз кечишимиз учун олдин янгиларини жорий этиш керак. Яъни мумтоз адабиёт намуналари кўҳна бўлиши мумкин, аммо уни келажак авлодга авайлаб-асрайдиган музей янги, замонавий бўлиши шарт.

Илм ахли вакиллари билан учрашув пайтида Президентимиз Адабиёт музейини бугунги кунга мос маърифат масканига айлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2018-2019 йилларда музей биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш режалаштирилган.

Қарорда белгиланган вазифаларга асосланиб, музейнинг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳозир музейимизда учта бўлим бор. Реконструкциядан сўнг улар бештага етади. Ўзбек адабиёти билан танишув энди бевосита Алишер Навоий ижодидан эмас, балки халқ оғзаки мероси, туркий ёзма ёдгорликлари ва илк ўрта асрлардан бошланади. Айни пайтда экспонатларни рақамлаштириш жараёни бошланган. Музейдаги ҳар бир экспонат соҳа мутахассислари олиб борган изланишлар маҳсули бўлиши керак. Шу мақсадда илмий ходимлар, малякали музейшунослар сонини кўпайтирмоқчимиз.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МЎЪЖИЗА



Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари икки кун давомида бекуёс томошаининг гувоҳи бўлишди. Шаҳарнинг энг гўзал, тарихий масканларидан бири бўлган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биноси олдидаги фавворалар отилиб турган майдон классик мусиқа шинавандаларини жамулжам этди. Катта театр ўзининг навбатдаги 89-мавсумини Open Air — очик осмон остида намойиш этилган мусиқа кечаси билан очди.

Салоҳатли театр биноси ва турли рангларда товланиб,

сувларини атрофга сачратаётган фаввора тадбир учун бетақорор муҳит яратиб турди. Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестри ва Катта театр оркестридан иборат қўшма жамоа Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолддин Уринбоев дирижёрлигида юксак маҳоратини намойиш этди. Театрнинг таниқли ва истеъдодли ёш солистлари, балет артистлари ижросидаги мумтоз опералардан ариялар, машҳур кўшиқлар, рақс номерлари юксак профессионал савияси билан муҳлиснлар кўнглини ром этди. Ҳар бир чиқиш давомли гулдурас қарсақлар билан олқишлаб турилди. Энг муҳими, очик осмон остидаги бундай концертлар шу кунларда "OPEN AIR SILK road symphony" номи билан республикаимизнинг турли гушаларида давом этмоқда. Мовий осмон остида жонли ижронинг бебаҳо тароватидан баҳраманд бўлиш ҳар қандай муҳлисга олам-олам завқ бағишлаши тайин. Бу тадбирларнинг асосий қаҳрамони — Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри Бах, Моцарт, Бетховен, Брамс, Чайковский, Глинка, Шостакович каби жаҳоннинг таниқли композиторлари асарларини тингловчиларга юксак маҳорат билан тақдим этмоқдалар.

Республикаимизнинг Гулистон, Жизжаз, Самарқанд, Навоий, Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтадиган концерт дастурлари халқимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мумтоз мусиқага муҳаббат уйғотиши билан бирга, дунё маданияти ва санъатини миллатлараро оммалаштириш ҳамда тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қутилган кун келди. Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ишларимиз жуда тез битди. Ававалгидек узок вақт кутиш, ортиқча қорғоз-бозилк йўқ. Яшил қориқдордан ўтиб, рўйхатдан ўтиш пунктига бордик. Юкларимизни биратўла Маҳачқалада олишимиз мумкинлигини айтишганда қувоник кетдик. Белгиланган йўллардан ўтиб самолётга ўтирдик. Хаёлимизда бўлажак тadbирлар...

У тоғлар бағрини макон этган кун,
Тиканзор, буталар жаннатдан афзал.
У миллат кўраётган энг чиройлик туш,
Хақ ўзи қўнлига бергандур сайқал.

У қўннинг қўйлаган қўнни мангу,
Бир кун гар тўхтаса сози дафъатан.
Догистон халқи, сиз чекамизни қайгу,
Қолур Расул Ҳамзат откил бир Ватан!

Самолётимиз кўкка парвоз қилди. Зум ўтмай у қуюқ бўлутлар қопламини ёриб ўтиб маъво саҳнига чиқиб олди. Осмон кўм-кўк чексиз уммонини эслатади. Бу мовий олам узра атлас нурларини со-

Гарчи қўшиғини эшитиб таъсирланган, шёрини ўқиган бўлсак-да, "Турналар" биз ўйлагандан ҳам кўра машҳурлигини шу ерда билдик. Деворда "Турналар" шёрига бағишланган турли давлат ва ўлкалардаги ўндан ортиқ монументал ёдгорликлар сурати турари. Улар қаторида Чирчиқ шаҳридаги обиди сурати ҳам бор.

Догистонда "Оқ турналар кўни" фестивал байрамини нишонлаш шоир ҳаётлик пайтдаёқ бошланган бўлиб, бу йил у ЮНЕСКО шафелигида ўттиз иккинчи марта ўтказилган экан. Биз шоир шёърлари асосида тайёрлаб борган "Оқ турналар" китобининг биринчисини Догистон Ёзувчилар уюшмасига тақдим этдик.

Худди биздаги каби бу диёр халқи ҳам адабиёт, шёриятни нон ва сув каби ҳаёт учун зарур неъмат деб билди. "Бошқа ёзувчиларнинг кутубхоналари китобларга тўла, менинг кутубхонам эса халқ билан тўла. Халқдан оламдан, халққа бераман", деб ёзганди бир пайтлар Расул Ҳамзатов. Устозлар, замондошлари талқиллашганидек, у барча буюк шоирлар каби олганидан кўра кўпроқ берди. Шунинг учун ҳам унинг асарларида ҳар бир тоғлик шоирдек галлашади. Ҳар бир шоирнинг қалбида ўша тоғлик шивирлаб туради.

Ўзбекистонда бу қадар қадри ва сеvimли эканлигини эшитиш биз учун катта бахт. Ватанимизда ҳам "Турналар" ёдгорлиги ўрнатилгани мени ҳайратга солди. Сиз тайёрлаб келган отамнинг ўзбек тилидаги шёърларининг янги таржималари асосидаги "Оқ турналар" китоби учун ҳам раҳмат айтмоқчиман. Ўйлайманки, ҳали сизлар томонингиздан отамнинг кўп шёърлари ўзбек тилига таржима қилинади.

Догистон Республикаси бу кўп миллатли аҳил оилани эслатади. Унда турли миллат ва элат вакиллари дўст-қадрлар, қўла-қўла бўлиб яшаб келяпти.

Догистонда кечган кунлар тadbирларга, ижодий учрашуларга бой бўлди. Расул Ҳамзатов номидаги 50-мактабда ўқувчилар билан бўлган учрашулардан низоҳатда катта таассуротлар олдик. Айниқса, мактабдаги тadbир, унда турли миллатга мансуб ўқувчи қизларнинг турли тилларида Расул Ҳамзатов шёърларини ўқилари, таълим даргоҳининг директори Маҳам Идиевнинг сўзларини эшитиш низоҳатда мароқли эди. Мактабда ташкил этилган "Менинг Догистоним" музей ўқувчиларининг шоир ижодида хос бадиий композициялар асосидаги чиқишлари низоҳатда таъсирли эди.

Эртаси кўни Догистонда ташкил этилган "Шёрият театри"га таъшир бўюрдик. Дастур бўйича бу

Низоҳат, Цада овулига етиб келдик. Атрофи кўм-кўк тоғлар билан ўралган жуда катта ям-яшил сайхонлик. Унинг ўртасига иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бағишлаб, шоирнинг машҳур шёри асосида "Оқ турналар" ёдгорлиги ўрнатилган. Тумонат одам йиғилган, ҳаво бироз салқин, узокдаги тоғлар бошида қоратир бўлутлар ўша жойда ёмғир ёғётганидан дарак беради. Ёдгорлиқнинг икки томонига хотира лавҳалари ўрнатилган. Бизни Догистон миллий кийимидagi йиғит ва қиз нон-туз билан қутиб олди. Уларнинг атрафида оппоқ турналар либосидаги болалар. Лавҳаларга кўз ташлайман. Иккинчи жаҳон уруши даврида биргина мана шу тоғли Хунзах туманидан 2634 нафар йиғит урушга қаҳқилиб, улардан 1227 нафари қайтди. 1407 нафаридан эса қора хат келади. Шоир "Турналар" шёрини Японияга қилган сафари давомида ёзди. Атом бомбасидан нурланган қизга шифо тилаб, эзгу ниятлар ила миллионлаб болаларнинг оқ турналар ясаб кўкка учуришдан шоир қаттиқ таъсирланади. Шёър асосида яратилган қўшиқ Расул Ҳамзатовни бутун дунёга машҳур қилади. Марк Бернес ижросидаги қўшиқ миллионлаб кишилар қалбидан жой олади. Қанчадан-қанча юрларда, жумладан, шоир тутилган Цада овулида ҳам "Оқ турналар" ёдгорлиги ўрнатилди. Расул Ҳамзатовнинг икки акиси ҳам фронтдан қайтмаган. 1986 йилда Гуниим худудида биринчи марта жангчи аскарлар хотирасига "Турналар" ёдгорлиги ўрнатилди. Ёдгорлик пойидаги мангу оловни ёқиб учун Иккинчи жаҳон урушида тўртта ўғилдан жудо бўлган она хонадонидан олов олиб келинади.

"Турналар" монументи пойида Расул Ҳамзатов бағишланган музей бўлиб, унда ушбу шёрининг жаҳоннинг турли тиллардаги таржималари ўрин олган. Бизга берилган сўз давомида "Турналар" шёрининг ўзбек тилидаги таржимасини ҳам ўқиб бердик. "Оқ турналар" китобидан бир нусхаси эса туман раҳбариятига тақдим қилиб, келгусида музейда ушбу шёрининг ўзбек тилидаги таржимаси ҳам ўрин олиши умидида эканлигимизни айтдик. Анжуман низоҳатда қизқарли ўтди, шёърлар қўшиқларга, қўшиқлар қуй ва рақсларга уланди.

Цада қишлоғидаги Расул Ҳамзатов тутилган ва болалиги ўтган, шоирнинг отаси Догистон халқ шоири Ҳамзат Цаласа уйига, тўғрироғи, уй-музейига йўл оламиз.

Паст шифтли, икки қаватдан иборат уй. Олдий хонадон, тарихий расмлар, ашёлар, шоирнинг отаси, онаси, овулдошлари билан тушган суратлари, Ҳамзат Цаласа ҳаёти ва ижодидан сўйловчи ноидр намуналар... Девордаги бир сурат эътиборимизни тортиди. Унда Ҳамзат Цаласа минбарда, ортида Алишер Навоийнинг портрети турари. Яқинроқ бориб ўқиймиз: "Алишер Навоийнинг 500 йиллиги, Тошкент, 1948 йил", "Ҳамзат Цаласа ва ёзувчи Крайченко, Тошкент, 1948 йил". Айтишларича, Ҳамзат Цаласа ўз ўлкасининг таниқли шоири бўлиш билан бирга, арабшунос олим ҳам бўлган экан. Бунни музейдан ўрин олган араб ёзувидаги кўплаб ноидр китоблар ҳам тасдиқлаб турибди.

Навбатдаги кун илтимосимизга биноан бизни маҳаллий халқ тилида "Ўзбек городок" деб аталган жойга олиб боришди. Айтишларича, 1970 йилда Догистонда зилзила содир бўлди. Қурилиш-тиклаш ишларида ватандошларимиз ҳам иштирок этиди. Бу ҳудуддаги бир қанча беш қаватли уйларни тошкентлик бинокорлар қуриб беришди. Барча қурилиш материаллари ҳам Ўзбекистондан келтирилади. Айланамиз, қатор уйлар, унга ёндош жойда бозор, унинг ёнида "Тошкент" номили савдо магазини. Барибир Ватандан олисда Она юртинг, давлатнинг пойтахти номи ёзилган жойларни қуриш кишига ўзгача руҳ бағишлайди.

Азим шёрият туйғулари бутун дунёнинг қайси бир бурчада бўлмасин, Расул Ҳамзатов деса Догистонни, Догистон деса Расул Ҳамзатовни эслашди. У ана шундай буюк муҳаббат билан нафақат Догистонни, Россияни, унинг турфа халқларини, дунё ахтини сева билди, севганда ҳам бирини иккинчисидан айирмай, бирини тепа, бирини паст, бирини оқ, бирини қора демей севади. "Бутун ер юзи аҳлисини қўлочимни кенг олиб бағримга босишни қанчалар истардим...", деди у. Унинг оламга, инсониятга бўлган севиғиси, улкан муҳаббат ва эътироф бўлиб ўзига қайтди.

Сафаримиз давомида Ҳамзат Цаласа ёдгорлигини ҳам зиёрат қилдик. Айтишларича, Ҳамзат Цаласа асад бермайдиган арилар ва туҳум бермайдиган товуқларни ёқтирмаган экан. Ўзи ҳам ҳамиша одамлар дўсти, қувончи билан яшаб, олдий одамларни қўллаб, уларга хизмат қилиб ўтган экан.

Хунзахда бўлганимизда кўнглимиздан бир фикр ўтди. Расул Ҳамзатов мана шу тоғлар бағридаги овулда, олдий хонадонда дунёга келди. Шу ердан бориб ўз сўзи, шёриятни билан дунёни забт этди. У бу ерларни ташлаб кетмади. Балки қалбига қўчириб олиб кетди.

Адабиёт, шёриятнинг бирлаштирувчи кучи бор, дейдилар. Ҳар йили "Оқ турналар кўни" фестивалида Расул Ҳамзатов шёриятини дунёнинг қанчадан-қанча мамлакатларидан келган шоир ва ёзувчиларни Догистон заминида бирлаштиради. Қалбларни қалбларга, эъларни эъларга боғлайди. Дунёда дўстликдан ортиқ неъмат йўқ. Дунё шоирлари мана шундай тadbирлар боис дўст бўлиб яшаса, улар мансуб бўлган халқлар ҳеч қачон бир-бирларига ёв назари билан қарамайдилар. Қани энди бир бутун дунё халқлари бир-бирлари билан дўст, оға-ини бўлиб яшаша! Дунё шоирларининг энг катта орзуни ҳам аслида шу эмасми?!

...Самолётимиз қанча денгизга дарёлар, тоғлару чўллар, шаҳарлару қишлоқлар узра учиб ўтди. Кейинги кунларда кўнглимизда авж олган Ватанга, яқинларга бўлган соғинч борган сари каттара бошлади. Ёхтимол, Расул Ҳамзатов ҳам ўша юрларга борганда Догистонни шундай ичкики соғингандир. Ватанин севмасдан, соғинмасдан яшаш мумкинми ўзи?! Аслида шоирнинг шоирлиги ана шу соғинчлар, ана шу улкан муҳаббат билан эмасми?!

Олис манзилларни ортда қолдириб, самолётимиз пастлай бошлади. Заминга боқамиз: дароҳтар, далалар, қадрлар манзаралар, барчаси кўзимизга иссиқ қўрилади. Самолёт аста қўнади. Салондаги барча бирдек қарасқ чалиб юборали, биз ҳам! Ана шу аснода кўзларимиздан бир томчи ёш сизиб чиқади. Унда Ватанинг, Ўзбекистоннинг қўшиқ жипжаланади.

Минҳожиддин МИРЗО,
Жўрабек ЖАХОН

Тахририятга келган қўйғамалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нўжтан назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗНОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот асгилтида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5894. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
АДАБИЁТШУНОСЛИК
КЎЗГУСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 111 йиллиги муносабати билан «Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида» номили китоб тақдимоти бўлиб ўтди. «Академнашр» нашриётида чоп этилган адабиётшунос Марҳаббо Қўчқорованинг ушбу тадқиқоти Абдулла Қаҳҳор уй-музейида сақланаётган қўлёзмалар, дафтарлар, қўндаликлар, турли ҳужжатлар, мактублар тадқиқи ва талқинлари билан бойитилган.

Тadbирда ёзувчи-шоирлар, талаба-ёшлар, санъаткорлар иштирок этиб, ёзувчининг «Са-роб», «Қўшчинор чироклари» романларидан тортиб кўплаб ҳикоялари, бадиий публицистик асарлари халқимиз қалбидан чуқур ўрин олганини эътироф этишди.

— Абдулла Қаҳҳор ҳақида ўзбек адабиётшунослигида ҳам, хорижда ҳам кўп тадқиқотлар амалга оширилган, — дейди М.Қўчқорова. — Ўйлайманки, ҳар бир янги тадқиқот ўз ўрнини топади. Бизнинг мақсадимиз китобхоналарга Абдулла Қаҳҳор ижодий лабораторияси ҳақида адиб уй-музейида сақланаётган қатор ҳужжатлар асосида кичик бўлса-да, янги бир фикр айтишдир.

Тақдиротда Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ҳамда Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамкорлигида ёзувчи ҳаёти ва ижодида бағишланган кўргазма ўтказилди ҳамда ҳужжатли фильм намойиш этилди.

«ИШОНГИМ
КЕЛАДИ...»

Китоб номи сизни дафъатан ўйга солиб қўяди. Чексизлик ҳам муаллақ бўлиши мумкинми? Муаллақлик чексизликка эмас, чекланганликка хос, ахир?! Олам яралгандан буён... ҳақиқат — шу! Масалан, тунги осмонда муаллақ ой...

Демак, "муаллақ чексизлик" — шоирона кўчим. Унинг маъносига етмоқ учун эса китобни ўқиб чиқмоқ лозим. Мутлола асосида сиз "муаллақ чексизлик" — "қўксимдаги юрак" эканини англайсиз. Дарвоқе, чиндан-да мушкетер юрак — чексиз Коинотни қамрашга қодир!

Сирожиiddин Рауфнинг лирик қахрамони Коинот ва унинг сарвафари — Инсон қисматидан қуёниб яшайди. Гоҳ унинг кўзига Одам фарзандлари ҳақ йўлдан адашиб, улоқиб кетгандек қўрилади. Бундай пайларда уни ҳазин кайфият чулғаб олади:

Қалбимда бир ҳадик, хавотир парчин,
Туп менинг назимда тунд оғатир...

Сўнгра эса ҳазин кайфият шодмон умид билан қоришиб кетади. Зеро, одам-зод адашиблар, улоқилар оша ана тўғри йўлга чиқиб олиши муқаррар:

Ишоним келади, олдинда фақат,
Ифрлар таратар тонити найсонлар.
Меҳр-оқибат ҳеч бўлмағай қаҳат,
Ишонлик қиладилар илло инсонлар.

Китобдан шоирнинг кейинги йилларда ёзган шёърлари билан бирга фалсафий қайдлари ҳам ўрин олган.

Тўпламга сўз боши ёзган шоир Рустам Мусурмон муаллифнинг руҳий кечинмалар дунёси ва лирик шёърлари бадииятига батафсил тўхталган.

Ўз муҳбиримиз

ДИЛЛАР ДОҒИСТОҢДА ДИЙДОРЛАШДИ

чиб қўёш чарақлаб турибди. Пастда оппоқ бўлутлар, гўёки оппоқ қорлар узра кетаётгандаймиз.

Субхатимиз, мулоҳазаларимиз адабиёт ҳақида бўлади. Адабиётнинг қанчалар улуг ва қудратли куч эканига Тошкентда ўтган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференцияда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Давлатимиз раҳбарининг "Адабий дўстлигимиз абдий дўстликка айлансин" деган даъватлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида "Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгаши"ни тузиш ҳақидаги таклифлари нечоғли узокки қўлаб айтилганини дилдан ўтказдик.

2015 йил Догистонда "Адабиёт йили" деб эълон қилинган эди. Ўша йили Догистон адабиётининг энг яхши анъаналарини асраш ва ривожлантириш, дунё адабиётларида ўрнини мустаҳкамлаш, Догистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш, ёш ижодкорларнинг интилишларини рағбатлантириш, турли миллат ва элатлар аҳил яшаётган бу заминда барча тиллар ва адабиётларни ривожлантириш йўлида муҳим ишлар амалга оширилган.

Биз Догистон адабиётидан кўпроқ Ҳамзат Цаласа, Абу Талиб, Расул Ҳамзатов, Фазу Алиевани биламиз. Аслида бу кўп миллатли адабиёт вакиллари билан иборат гулзорда киши кўнглини шёриятнинг муаттар бўйларидан баҳраманд этувчи турфа гуллар, Ватанинг чин ошғири бўлган бўбўлган жуда кўп. Сулаймон Чалковский, Али Казиев, Абдулла Магомедов, Хандулай, Тапир Хрогский, Омарла Рахматов, Анхил Марин, Ирчи-Казак, Маҳмуд-Қоза-Росо, Юсуп Хапмалаев каби қанчадан-қанча куйчилар, шоирлар, ёзувчилар ўтган. Уларнинг ижоди билан танишар эканмиз, Расул Ҳамзатов асрлар давомида ўз анъаналари, рамзлари, қадриятлари асосида ривожланиб келган бир бутун ҳикматий ва булбулзабон Догистон заминида қамол топган бежиз эмаслигини англаймиз.

Эрта тонгда Маҳачқала аэропортига кўндик. Биз тушган машина текис, раван йўлдан кетиб борарди. Ҳамроҳларимиз бири қўйиб, бири ўзларининг Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари ва ҳайратларини сўйлаб кетишди. Бизни шундоқ Каспий денгизи соҳилида жойлашган "Приморская" меҳмонхонасига олиб келишди. Ичкарига кирибюк, балкон сари ошдик. Чексиз мовий баҳр, оппоқ тўқиллар, узокда сузиб юрган кемалар... Тўқиллар гувилаб соҳилга урилади, қанчалик шиддат билан мавжланиб келган бўлса, шунчалар осойишта ортга қайтади. Бу ҳолат билан инсон умри, ҳаёти орасида ўхшашлик бордек туюлади.

Эрталаб меҳмонхонага Догистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Догистон халқ шоири, Расул Ҳамзатовнинг шогирди Магомед Аҳмедов келди. Салом-аҳлидан сўнг унинг биринчи гапи шу бўлди: — Президентининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тўғрисидаги қарорини ўқидим. Омадинлар бор экан. Қандай зўр Президент, қандай эътибор!

Нонушадан сўнг меҳмонлар билан Догистон Ёзувчилар уюшмасига таъшир бўюрдик. Бу бинода Расул Ҳамзатов 50 йилдан кўп, умрининг охиригача уюшма раиси сифатида фаолият юритган. Миллий ширинликлар билан тусалган дастурхон атрафида, бир пиёла чой устида дўстона танишув ва адабий алоқаларни ривожлантириш, ҳар бир худудда хос тақрирлар билан танишшга қаратилган дўстона субҳат бўлиб ўтди. Биз уларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун давлат раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғ худудида алоҳида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини муҳасасалаштирган янги бино қуриб берилгани, унга ёнма-ён худудда "Адиблар хизбони" ташкил этилгани, шундай йўлнинг нарги бетида ёзувчилар учун 120 хонадонли уй қурилгани, "Ижод", "Илҳом" фондлари, "Дўстлар клублари", ижод мактаблари, қўйиники, барча-барча ўзгаришлар, адабиёт ривожига қўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида гапириб бердик. Россия Федерацияси Ёзувчилар уюшмаси раиси Николай Иванов "Барчасининг ноимиздан Президент Шавкат Мирзиёевга адабиёт ривожига қўрсатилган эътибори учун раҳматимиз ва миннатдорчилигимизни етказишнингизни сўраймиз!", деди.

Бир зумда ҳамма бир-бири билан танишиб кетди. Субҳат давомида нафақат бутунги, балки шу пайтгача бўлган адабий алоқалар ҳақида сўз кетди, ёзувчилар қаторида Фафур Фулом, Зулфия, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов номлари ҳам тилга олindi. Биз, ўз навбатида, анжуманга келган ёзувчи ва шоирларга Алишер Навоийнинг рус тилидаги "Сокровишница мыслей" ҳамда беш тилдаги "Ҳикматлар" китобини, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий нашрлари билан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Жаҳон адабиёти", "Ёшлик" журналларини тақдим қилдик.



гулларни қабр пойига қўйдик, дуолар қилдик. Маҳаллий аҳоли вакиллари бизнинг Ўзбекистондан эканимиз, шоир хотирасига қўрсатилган эҳтиромимиздан низоҳатда таъсирланганини айтишди. Шундай олис юртдан Расул Ҳамзатов хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун келганимизга миннатдорлик билдиришди.

Зиёратдан кўнглимиз ёришиб қайтдик. Шу кўни шаҳардаги Расул Ҳамзатов ҳайкали пойига ҳам гуллар қўйилди. Рус драма театрида шоирнинг 95 йиллигига бағишланган жуда катта адабий-музика кеча бўлиб ўтди. Унда биз ҳам шоир даҳосига ўз эҳтиромимизни билдирдик.

Тadbир шу қадар пухта тайёрланган, ундаги ҳар бир чиқиш, экрандаги тасвирлар шу қадар бир-бири билан уйғун элдик, қойил қолмаслиқнинг иложи йўқ эди. Унда Россия халқларининг дўстлиги, Догистондаги кўп миллатли оиланинг ҳамжиҳатлиги ифода этилганди. Шоир шёърлари, қўшиқлари турли тилларда янради. Концертда дўстлик, миллий халқ маданияти ва санъатига чексиз меҳр, тоғликларга хос улугворлик, шоир даҳоси, ижодига чексиз муҳаббат муҳасасам эди.

Россия Федерацияси Президенти гранти, "Россия оқ турналар халқ биллиги" маърифий лойиҳаси бўйича "Кўп тили Россия шёриятини" руҳини асосида турли миллатга мансуб ушбу юрт шоир ва ёзувчиларининг китоблари чоп этилаётгани барчани қувонтирди. Айниқса, бу рўқнатда асар шоирлари Сабитга Мамаметова, Беку Меседла Расулова, қўшқ шoirаси Шейт-хоним Алишева, даргин шoirаси Аминат Абдулманопова, лезгин шoirаси Билола Адилова, қабардин шoirаси Бати Балкисова ижодига бағишланган рус тилига қилинган таржималар асосидаги китоблар улар шёриятининг дунё бўйлаб таралиши учун кенг йўл очди.

Навбатдаги таъширимиз Расул Ҳамзатов хонадонига бўлди. Бизни шоирнинг қизи Салихат Ҳамзатова қутиб олди. У айна пайтда шоир номидаги уй-музейнинг директори ҳисобланади. Деярли бутун дунёнинг энг машҳур шоир ва ёзувчилари, таржимон ва олимлари таъшир бўюрган бу хонадонга келиш ағча ҳажжонли эди. Ўз даврида Ўзбекистон халқ шоирлари Зулфия, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуф ва бошқалар бу хонадонда азиз меҳмон бўлишган. У қанчадан-қанча шёрият, адабиёт ҳақидаги ҳаётбахш, бетакдор субҳатлар, ўтти шёрият кечалари, мушоираларга туюқ бўлган.

Догистонликлар аяғанасига кўра бир хонадон, катта сулолада бир исм еттигачча одамга қўйилиши мумкин экан. Шу мазода Расул Ҳамзатов аёли, уч қизининг бири, ҳатто набирасининг исми ҳам Фатмат экан. Шоир уларнинг барчасини бирдай сева, ҳазиллашиб шундай дер экан: "Мен математик эмас, фатиматикман, фатиматик фанлари доктори...". Бу сўз шоирнинг меҳр-муҳаббатга тўла мутойибаси сифатида халқ орасида тарқалиб кетган. Анъанга кўра хонадонда тўқин дастурхон атрафида бошланган сўбатлар тиласларга, мушоираларга айланди.

— Мен фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистонлик дўстларимизга алоҳида миннатдорлик билдиarmoқчиман, — деди Салихат Ҳамзатова. — Кеча театргади чиқишингиздан нафақат мен, балки бутун халқимиз қаттиқ таъсирланди. Отамни, унинг ижодини

қаватли, ҳовлиси кўркам, ўнг томонда Расул Ҳамзатов, чап томонда Александр Пушкин ҳайкаллари ўрнатилган. Давлат бюджети асосида мўлаҳаштириладиган бу қошина ҳақиқатдан ҳам шёрият ошғири саналган Догистоннинг ўзига хос туморидий эди.

Меҳмонлар эртаси кўни учта йўналиш бўйича Догистон бўйлаб сафар тайёргарлиги қўрилганини айтишди. Уччаласи ҳам тарихий жойлар — Дарбанд, Гуниим ва Хунзах. Биз Расул Ҳамзатов тутилган Хунзахга, Цада овулига боришимизни айтдик. Эртасига тонг саҳарда йўлга тушдик. Кета-кет-гунча Догистон халқ шоираси Залму Батирова, Қорачой-Черкес Республикаси халқ шоираси Лариса Шебзухова, таниқли россиялик шоирлар, Догистон шёрият таржимонлари Юрий Шчербаков, Виктор Петров, Валерий Латининг ва бошқалар билан қизгин сўхбат қуриб кетдик.

— Бу ҳали тоғлар эмас, ҳақиқий тоғларни Хунзахда қўрасизлар, — дейди қўлиб меҳмонлар.

Гарчи куз фасли бошланган бўлса-да, тоғлардаги дарахтар ҳали ям-яшил, пастдаги водийлар кўм-кўк.

— Уч марта ҳаж сафарида бўлдим. Энди ягона орузам Самарқанддаги Имом Бухорий қабрини зиёрат қилишдир, — дейди кесса ҳамроҳимиз, Догистон халқ шоираси Залму Батирова. — Таниқли ўзбек шоираси Зулфия билан жуда қадрлар экдик. У Расул Ҳамзатовнинг 75 йиллигига бағишланган анжуманга келганида икки кўн хонадонимизда меҳмон бўлган эди. Ажойиб шоира, бетакдор қалб соҳибаси эди.